ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 27 май. СЕШАНБА № 42 (5.815). Сотувда эркин нархда

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

Музрабод туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Исмоил АЗИЗОВ ҳикоя қилади

Ҳозирги дамлар қишлоқ хўжалигида энг масъулиятли ҳисобланади. Расамади билан иш юритиб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш раҳбар ва мутахассиснинг тадбиркорлиги, ташкилотчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Яқинда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида сим орқали булиб утган кенгашда ғалла урим-йиғимини кўнгилдагидек ўтказиш, ғўза парваришини оби-тобида олиб боради. Шу боис Қудратилланинг даласида чигит бир текис униб чиқди. Қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ишлари бағоят сифатли амалга оширилянти. Ҳалол меҳнат қилган асло кам бўлмайди. Бултур Қ. Раҳимов етакчилигидаги жамоа барчани лол қолдириб, гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили олди. Ғаллачиликда эса бу кўрсаткич 40 центнер бўлди.

Хўжалик бошқаруви пахтакорлар, ғаллакорлар ҳамда чорва озуқаси етиштиришга ихтисослашган бригадаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ҳар бир жамоа сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиради. Тушлик учун зарур бўлган неъматлар ўзимиздан чиқади. Шунингдек, деҳқонлар талабига кўра рўзғор учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари иложи борича арзон нархда келтирилиб, даланинг ўзида тарқатилмоқда. Одамларимиз ёғ, гуруч, ун, қанд-шакар ва бошқа неъматлардан камчилик сезишмаяпти. Бирон киши тўй ёки маъракa ўтказадиган бўлса, хўжалик томонидан бепул маҳсулотлар ажратилади. Ёрдамга муҳтож оилалар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Яқинда икки меҳнат фахрийсининг уйини ҳашар йўли билан таъмирлаб бердик. Боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказилди.

Иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги асл мулкдорларни қувайтирмоқда. Иқтисодиёт юксалиб бораяпти. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 112 миллион сум даромад олинганди. Бу бунёдкорлик ишларини жонлантириш, барча соҳани бирдек ривожлантириш, эскирган техникани янгилаш имкониятини берди. Хўжалик раҳбари сифатида бир нарса мени қувонтиради. Одамларимиз сўмни сўмга уриштиришни, ердан, сувдан тежабтергаб фойдаланишни ўзларига қатъий қоида қилиб олдилар. Равшан Муҳаммадиев, Назрулло Қосимов каби ёш деҳқонлар ташаббус кўрсатиб эскирган 17 гектар боғни хусусийлаштириб олишди. Бизнинг шароитда етиштирилган узум, меванинг таъми ўзгача бўлади. Қовун-тарвузларимизнинг тилими тилни ёради. Эндиликда саховатли боғларимизда, узумзорларимизда етиштирилаётган ширин-шарбат неъматларни ўзимизмул ҳосил етиштирди. Донга тўлган олтин бошоқлар кўзни қувнатади. Урим-йиғимни биринчи бўлиб бошламоқчи.

Қудратилла Раҳимов бошлиқ бригаданинг олтмиш гектар ери бор. Уз касбининг чинакам устаси уруғ сара бўлишига алоҳида эътибор беради, фан ютуқларини амалиётга дадил жорий этади. Техника ишчи қисмларига мосламалар ўрнатиб, экинлар парваришини оби-тобида олиб боради. Шу боис Қудратилланинг даласида чигит бир текис униб чиқди. Қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ишлари бағоят сифатли амалга оширилянти. Ҳалол меҳнат қилган асло кам бўлмайди. Бултур Қ. Раҳимов етакчилигидаги жамоа барчани лол қолдириб, гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили олди. Ғаллачиликда эса бу кўрсаткич 40 центнер бўлди.

Хўжалик бошқаруви пахтакорлар, ғаллакорлар ҳамда чорва озуқаси етиштиришга ихтисослашган бригадаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ҳар бир жамоа сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиради. Тушлик учун зарур бўлган неъматлар ўзимиздан чиқади. Шунингдек, деҳқонлар талабига кўра рўзғор учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари иложи борича арзон нархда келтирилиб, даланинг ўзида тарқатилмоқда. Одамларимиз ёғ, гуруч, ун, қанд-шакар ва бошқа неъматлардан камчилик сезишмаяпти. Бирон киши тўй ёки маъракa ўтказадиган бўлса, хўжалик томонидан бепул маҳсулотлар ажратилади. Ёрдамга муҳтож оилалар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Яқинда икки меҳнат фахрийсининг уйини ҳашар йўли билан таъмирлаб бердик. Боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари бир умрга эсда қоларли қилиб ўтказилди.

Иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги асл мулкдорларни қувайтирмоқда. Иқтисодиёт юксалиб бораяпти. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 112 миллион сум даромад олинганди. Бу бунёдкорлик ишларини жонлантириш, барча соҳани бирдек ривожлантириш, эскирган техникани янгилаш имкониятини берди. Хўжалик раҳбари сифатида бир нарса мени қувонтиради. Одамларимиз сўмни сўмга уриштиришни, ердан, сувдан тежабтергаб фойдаланишни ўзларига қатъий қоида қилиб олдилар. Равшан Муҳаммадиев, Назрулло Қосимов каби ёш деҳқонлар ташаббус кўрсатиб эскирган 17 гектар боғни хусусийлаштириб олишди. Бизнинг шароитда етиштирилган узум, меванинг таъми ўзгача бўлади. Қовун-тарвузларимизнинг тилими тилни ёради. Эндиликда саховатли боғларимизда, узумзорларимизда етиштирилаётган ширин-шарбат неъматларни ўзимиздa ҳайта ишлаш, шу йўл билан даромадни кўпайтириш пайида бўлаяпмиз.

Ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган омма етакчилари бозор шароитида ишлашга тайёр эканликларини намоён этишмоқда. Мисол учун 22 ёшли бригадир Абдураҳмон Норбоевни олайлик. У олимларни, етакчи мутахассисларни таклиф этиб, долзарб мавзуларда учрашувлар ўтказди. Иқтисодиётни юксалтиришнинг аҳамияти, ислоҳотларнинг моҳиятини деҳқонлар онгига чуқур сингдирди. Буларнинг ҳаммаси ишга бўлган муносабатнинг яхши томонга тубдан ўзгаришида намоён бўлмоқда. Бригадада бўлгур бир гектар ердан 35 минг сўм даромад олинди. Бир центнер пахтанинг таннархи кутилгандан анча арзонга тушди. Абдураҳмон бу йил ялпи ҳосилни юқори навларда сотишни кўзлаяпти. Ғўзалар бир текис ривожланмоқда.

Ҳадемай ғалла урим-йиғими қизғин бошланиб кетади. 9 та комбайн мавсумга пухта шайланган. Эл бойлигини нест-нобуд қилмай узоғи билан бир ой ичида саранжомлаб олиш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Аҳолини иш билан таъминлашдек ута муҳим муаммони ечиш учун кичик ва хусусий тадбиркорликни тобора кенг ривожлантириб боряпмиз. Маълумки, аҳоли сонининг ортиб бориши таъминот масаласини қачондир кескинлаштириб қўйиши мумкин. Шу боисдан Президентимизнинг Андижон вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган йўл-йўрик ва кўрсатмалар асосида ҳаракат қилаяпмиз. Мавжуд ерлардан андижонча омилкорликни ишлатиб, иложи борича кўпроқ ҳосил олиш имкониятларини қидираяпмиз. 30 нафар нуронийлар томорқадан унумли фойдаланиш юзасидан хонадонларга қимматли маслаҳатлар бердилар. Шу тариқа шахсий томорқалар мўл неъмат етиштириш ва даромад манбаига айланмоқда. Бундан ташқари фарзандларимизнинг томорқаларда ишлаши уларда меҳнат малакасини пайдо этиш билан бир қаторда ерга, она-Ватанга бўлган садоқатларини кучайтирмоқда, ҳалол нон топиб ейишга ўргатмоқда. Ҳа, томорқани ривожлантиришнинг аҳамияти шу даражада катта.

Чўлқуварлар шижоатли, яратувчан, янгиликка ўч, ўз сўзи ва одатини барча нарсадан устун қўядиган кишилардир. Улар бор экан, барча вазифани муваффақиятли уддасидан чиқамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАРИ

АФҒОНИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги икки кун ичида Афғонистон шимолидаги Ўзбекистонга чегарадош ҳудудда вазият кескинлашди.

Маликхоннинг қуролли гуруҳлари бир неча кун муқаддам А. Дўстумга қарши чиқиб, Фарёб вилоятига кирган ва Шувургон шаҳрини ўз назоратига олган эди. Кеча, 24 май куни бу гуруҳлар А. Дўстумга бўйсунувчи бўлимлар томонидан қаршиликка учрамай, Мозори Шариф шаҳрини эгаллади. Ҳозирги вақтда Узбекистон, Туркманистон ва қисман Тожикистон чегарасига туташ бўлган бутун шимолий ҳудуд Маликхон назорати остида турибди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, А. Дўстум Ҳайратондан самолётда номаълум томонга учиб кетган. Ташқи ишлар вазирлиги шуни қатъий маълум қиладики, А. Дўстум Узбекистон ҳудудига келган эмас.

Бутун Афғонистон — Ўзбекистон чегараси бўйлаб осойишталик ҳукм сурмоқда. Шу даврда бирор фавқулодда ҳодиса ёки можаро бўлган эмас.

Узбекистон чегара хизмати ҳар қандай иғвогарликнинг олдини олиш ва бундай иғвогарликка йўл қўймаслик мақсадида чегарани мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда. Иккала мамлакат қўшни ҳудудларида осойишталикни сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Афғонистон чегара хизмати билан музокара олиб борилмоқда.

(Тошкент шаҳри, 1997 йил 25 май.)

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Президент Ислом Каримов шу йил май ойининг бошида Сурхондарё вилоятига қилган ташрифи чоғида ўртага қўйган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ж. Норалиев шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбари вилоятда иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, асосий тармоқ — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишлари билан танишиб, қўлга киритилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, асосий эътиборни бу борадаги мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этишга қаратганини таъкидлади. Жумладан, бу йил биринчи марта чигит тажриба тариқасида плёнка остига экилди, натижа чакки бўлмади. Бундай майдонларда ғўза эрта шонага кирди. Ғалланинг ҳам чўғи баланд. Салкам юз минг гектар суғориладиган майдонда мўл дон пишиб етилмоқда. Сессияда ғаллани қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш, ўн минг тонна сифатли уруғлик жамғариш ҳозирги кунниг долзарб вазифаси экани уқтирилди. Бу борадаги ишларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тегишли ташкилотлар раҳбарларининг юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлигига боғлиқ эканлиги курсатиб ўтилди.

Сессияда халқ таълимини такомиллаштириш, ёш авлодни тарбиялаш, божхона хизматини яхшилаш каби масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Мамлакатимиз жўшқин ҳаёти

А. Навоий номидаги жамоа хўжалиги Бўз туманида ерга ишлов беришни биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Айни кунларда плёнка остига экилган 500 гектар ердаги ниҳолларга ишлов бериш оби-тобида бажарилмоқда.
СУРАТДА: хўжалик раҳбари Икром Маматов ва бригадир Толибжон Шокиевлар ишлов берилаётган пахта майдонини кўздан кечиришмоқда.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат. (ЎзА)

ИККИ ВИЛОЯТ ЗАФАРИ

Бухоро вилояти миришкорлари йиллик пилла етиштириш шартномасини бажарди. Хирмонга 2010 тонна сифатли саноат хомашёси етказиб берилди. Эришилган бу муваффақиятга Олот, Қоракўл, Ғиждувон ва Жондор тумани «кумуш тола» ижодкорлари айниқса салмоқли ҳисса қўшди. Яна 500 тонна пилла топшириш ҳаҳ қилинди.

* * *

Сурхондарёлик пиллакорлар ҳам зафар қучди. Қабул пунктларига 800 тонна хом ашё топширилди. Термиз, Денов, Узун, Ангор, Шеробод туманлари миришкорлари айниқса мўл ҳосил етиштирди. Пиллакорлар ялпи хирмонни 900 тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

(ЎзА)

НИҲОЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИЛМОҚДА

Шу кунларда Андижон вилоятида деҳқончилик юмушлари айни қизиган пайт. Жорий йилда андижонликлар 110 минг гектар ерга чигит эккан эди. Айни чоғда кунига 9 минг гектар ердаги ғўза культивациядан ўтказилиб, ниҳолларга иккинчи ишлов бериш ҳам тугатилди.

Чигит баравж униб чиққан далаларда чопиқ ишлари ҳам олиб борилмоқда. Пахтакорлар бир кунда 5 минг 902 гектар ғўзага ишлов бериб, шу кунларгача 59 минг гектар ғўзани сифатли чопиқдан ўтказишди.

Вилоятда 70 минг гектар плёнка остига экилган ғўзани ҳам парвариш қилиш давом этмоқда. Механизаторлар кунига 5 минг 720 гектар ғўзани культивация қилиб, пахта майдонларида қатқалоқ бўлишига йўл қўйишмаяпти. Бу юмушда ҳар куни 760 та культиватор қатнашиб, уларнинг ўртача иш унуми 7,5 гектаргача етказилмоқда.

ҚЎЗИЛАТИШ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Сурхондарё вилоятида 190 мингдан зиёд совлиқ қўй бор. Яқинда ана шу қўйларни қўзилатиш тугатилиб, 177 минг соғлом қўзи олинди. Бошқача айтганда, ҳар юз бош совлиққа 93 та қўзи тўғри келди. Ваҳоланки, утган йили ҳар юз бош қўйдан 87 тадан қўзи олинган эди. Бу натижаларга эришишда вилоятда қиш мавсумини яхши ўтказилганлиги сабаб бўлди. Қўйхоналар яхшилаб таъмирланганлиги, озуқалар етарли жамғарилганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари бу йил қуплаб чўпон бригадалари ёш чўпонлар билан тўлдирилди. Жойларда мол дўхтирлари совлиқларни ўз вақтида муолажа қилдилар.

Қўзилатишни айниқса жаркўрғонликлар муваффақиятли якунлашди. Улар ҳар бир совлиқдан бир бошдан қўзи олишга эришдилар. Шунингдек, вилоятнинг Термиз, Сариосиё, Узун, Қумқўрғон туманлари чорвадорлари ҳам умумий муваффақиятга ўз улушларини қўшдилар.

Ю.ҒУЛОМОВ .

БАРАКАЛИ ХИРМОН

Тўрақўрғон ва Наманган туманлари пиллакорлари ўз олдига қўйилган вазифани бажардилар. Тўрақўрғонликлар 230 тонна ва наманганликлар 280 тонна қимматли хомашё топширдилар. Ҳар қути қурт уругидан олинган ҳосил ўртача 60 килограммдан ортиқ бўлди. Пиллачилар бу кўрсаткични янада оширишни мўлжаллашмоқда. Иккала туманда ҳам ҳосилни териш мавсуми ҳали тугагани йўқ.

Ғўза парвариши қандай бормоқда?

Бухоро бўйлаб сафарда бўлганимизда вилоят ҳокимлигида Пешку туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигига бир кириб кетишимизни тавсия қилишди. Чунки жамоа яқин беш-олти йиллардан бўён нафақат туманда, балки вилоятда илғорлардан саналар экан. Ҳатто баҳор совуқ келиб қўпчилик учун муваффақиятсиз бўлган ўтган йилни ҳам хўжалик ижобий якунлабди. Жумладан, режадаги 3060 тонна ўрнига 3123,5 тонна оқ олтин етиштириб, хўжалик бўйича режа 102 фоизга ўддаланибди. Дон режаси 101 фоизни ташкил этибди. Хўжаликда қоракўл тери топшириш бўйича режа 176 фоизга бажарилибди. Умумий фойда 57 миллион 738 минг сўмни ташкил этибди.

Биз халқимизнинг минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзалроқ, деган мақолига амал қилган ҳолда хўжаликка йўл олдик.

Жамоанинг Аслон Давронов бошқараётган 11-бригадаси далаларидан биридамиз. Бу ерда иш қизигандан-қизиган. Деҳқонлар яганани тугатиб, ғўза чопиғини бошлаб юборишган экан.

— Бу йил 1405 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда хўжалик бошқаруви раиси Инон ака Отақулов. — Шундан 852 гектари пахта, 360 гектари кузги бўғдой, 45 гектари мевазор ва ҳоказо.

Пахтакорлар бу йил чигит экишни анча барвақт бошлаб, апрель ойининг бошидаёқ ниҳоясига етказишди. Чигит экилган майдонларнинг 90 фоизи тезда униб чиқди. Бунга айниқса пахтакорларнинг ойлигини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб бериш бош омил бўлди. Масалан, ўтган йили кузда шудгорлашда қатнашган механизаторлар меҳнат ҳақини ишни тамомлаган заҳоти олгандилар. Бу йил эса экин-тикинни ўз вақтида тугатиб, унинг 100 фоиз униб чиқишига эришган хўжалик аъзолари ҳам иш ҳақини тўла олиб бўлдилар. Ғўзага ишлов бериш ва яганалашда ҳам пул ўз вақтида берилиб турилди.

Миришкорлар бу йил Андижон технологиясини қўллаган ҳолда плёнка остига чигит экишга ҳам катта эътибор қаратишди. Чунки плёнка остига чигит экиш очиқ майдондагига қараганда юқори ҳосил олиш имконини яратади, қўшимча чопиқ, культивацияга ҳожат қолдирмайди, пахта майдонида намлик узоқ сақланиб, оз сув сарф қилинади, тез етилади. Ана шу ва бошқа ижобий томонларни ҳисобга олиб деҳқонлар 95 гектарга шу усулда чигит қадашди. Плёнка остига чигит экиш хўжалик пахтакорлари учун янгилик, ҳали синаб кўрилмаган агротехника тадбири бўлганлиги сабабли айрим қийинчиликларга дуч келинди. Масалан, экиш техникаларини ишлатишда сеялкаларнинг унча мос келмаслиги, механизаторларнинг уларни ишлатишда етарли тажрибага эга эмаслиги кўзга ташланди. Шунга қарамасдан ҳозирги кунда плёнка остига қадалган чигит тўлиқ униб чиқиб, баравж ўсмоқда. Деҳқонлар эса унга ўз вақтида ишлов беришни давом эттиришмоқда.

МЕҲР АРДОҒИДА

Хўжалик деҳқонлари бу йил пахта майдонларида яна бир тажрибани синаб кўрмоқдалар. Яъни 7 гектар ерга чигитни қўшқаторлаб экишди. Асосий майдонларнинг ҳар гектарига 90 минг тупдан тўғри келган бўлса, қўшқаторлаб экишда ҳар гектарда 180 минг тупдан ортиқ ниҳол униб чиқди. Агарда ҳосил ҳам шунга яраша бўлса, қўшқаторлаб экишда гектарига 50-60 центнердан ошириб оқ олтин олиш ҳеч гап эмас.

Хўжаликда 3 минг 200 нафарга яқин меҳнатга лаёқатли аҳоли истиқомат қилади. Шундан 880 нафари жамоа хўжалигида ишлайди. Қолган кишилар нима иш билан машғул? деган савол туғилади. Биринчидан, хўжалик ҳудудида Пешку пахта тозалаш заводи фаолият кўрсатмоқда. Унда 400 нафар киши меҳнат қилади. Иккинчидан, хўжалик қишлоқларида жойлашган сартарошхона, ҳаммом, пойафзал тиклаш устахоналари каби маиший хизмат кўрсатиш нуқталари жойлашганки, уларда ҳам ҳунармандлар иш билан банд. Ва ниҳоят, учинчидан, хўжаликда саноатни қишлоққа олиб кириш жуда ривожланган. Бугунги кунга келиб гишт заводи, қоракўл теридан ҳар хил кийимлар тикадиган цех, шуба ишлаб чиқарадиган кичик корхона, суткасига 15 тонна бўғдойни қайта ишлайдиган ун заводи, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган консерва заводи ва бошқа ўрта, кичик ва хусусий корхоналар ишлаб турибди. Келажакда бу соҳани янада ривожлантириш кўзда тутилган. Масалан, яқинда шуба тикадиган кичик корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилади. Натижада яна 100-150 нафар киши иш билан таъминланади. 1995 йилда ишга тушган «Акром» кичик корхонасида айни кунларда 15 та ишчи ишлаётир. Корхонанинг иккинчи навбати ҳам тайёр ҳолатга келтирилди. «Узоқ» хусусий корхонасига эса Баҳриддин Узоқов раҳбарлик қилади. Унинг айтишича, ўтган йилнинг ўзида корхона 1 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот сотган. Айни пайтда у ҳам ўз корхонасини кенгайтириб, маҳсулот хилма-хиллигини таъминлаш ниятида юрибди.

Қишлоқларда газ масаласи ҳал бўлган. Айни чоғда учта қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланган. Бу йил яна учта қишлоққа ичимлик суви етказиб бериш борасида иш олиб борилмоқда. Яқинда 600 нафар уқувчига мўлжалланган мактаб қуриб битказилди. Айни кунларда яна тўртта мактаб лойиҳаси тузилиб, уларнинг қурилиши учун маблағ излаб топилмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган қишлоқ тиббиёт муассасаси саранжом-саришта бўлиб унда беморларнинг даволаниши учун ҳамма шарт-шароит яратилган.

Хулоса шуки, «Маданият» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар пахта ҳосилдорлигини ўртача 37,5 центнерга етказиш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҲИСОБ ВА ИНСОФ

Ҳисоб-китоб ишларининг кундалик турмушдаги аҳамияти азал-азалдан маълум. «Ҳисобли дўст айрилмас», «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар», «Ҳисоби йўқнинг инсофи йўқ» қабилидаги мақол ва маталларнинг она тилимизда мустаҳкам ўрин олганлиги буни яққол тасдиқлаб турибди. Бозор иқтисодиёти қарор топаётган ҳозирги шароитда эса ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш кун сайин долзарблик касб этмоқда. Яқиндагина қабул қилинган «Республика халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссиясини тузиш тўғрисида»ги махсус қарор ҳам шундан далолат беради.

Масала моҳиятига ойдинлик киритиш мақсадида биз «Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси муҳосиблик ва молия бошқармаси бошлиғи С. Асадуллаев билан суҳбатлашдик. Сайфулла ака бир неча ўн йилларден буён ушбу соҳада ишлаб келмоқда, ҳисоб-китоб ишларини турли жиҳатларини яхши билади. Шу боис унинг фикр-мулоҳазалари эътиборга молик деб ўйлаймиз.

— Сайфулла ака, аввало муаммолар муаммоси бўлиб турган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари хусусида гапиришсак, хусусан бу тушунчаларнинг маъноси нима эканини изоҳласангиз.

— Майли, баҳоли қудрат уриниб кўраман. Дебиторлик дегани маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат эвазига корхона ёки хўжалик оладиган пул. Кредиторлик эса хўжалик маҳсулотни етиштириш учун олган қарзларидир (ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар, маош, қурилиш ишлари учун маблағлар ва бошқа ҳаражатлар).

— Бу қарзларнинг келиб чиқиш боиси нимада?

— Сабаби ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўзига хосликлардир. Масалан, у ёки бу экинни етиштирадиган хўжаликни олиб кўрайлик. Янги мавсумга тайёргарлик одатда ноябрь, декабрдаёқ бошланиб кетади. Ҳосилдан бўшаган майдонни шудгор қилиш, ариқ-зовурларни тозалаш, ўғит тайёрлаш ёки сотиб олиш, уруғлик ғамлаш, техникани шай қилиш, ишчи-хизматчиларга маош тўлаш ва ҳоказо каби юмушларни бажариш керак. Равшанки, бу ишларнинг ҳаммасига маблағ керак. Уни қаердан олиш мумкин? Албатта, банклдан. Лекин банклардан олинган қарзлар учун 45-60 фоиз устама пул тўлашга тўғри келади. Бундай аҳвол то ҳосил етилиб, савдога чиққунча давом этади. Кутилган муддат етгани билан ҳам мушкулингиз осон кучишига ҳеч ким кафолат бермайди. Айниқса, тез бузиладиган бодринг, помидор, олхўри, шафтоли, урик ва бошқа мева-чева етиштирувчиларнинг куни қийин. Барча ҳаражатларни қоплаб, озгина даромад кўраман, деган ниятда маҳсулотига тегишли нарх қўйиб ўтира олмайди. Шунинг учун арзонроққа бўлса-да қайта ишлаш корхонасига топшириш ёки воситачиларга сотиб юборишга мажбур. Натижада пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулот ҳузурини деҳқон эмас, ҳар хил воситачилар ва савдо корхоналари кўрянти.

Очиғини айтганда, қайта ишлаш корхоналарига ҳам осон деб бўлмайди. Чунки уларнинг деҳқонга вақтида аванс бериш, маҳсулот учун олдиндан пул тўлаб қўйишга ҳар доим маблағи топилавермайди. Тўғри, улар ҳам ушбу мақсадлар учун тижорат банкларидан қарз олиши мумкин. Лекин кредит ресурслари ҳар доим етарлича ва қоғозларга шартлар асосида топилавермайди. Бир амаллаб кредит олинган тақдирда ҳам маҳсулот таннархига банкка тўланадиган устама фоизни қўшишга тўғри келади. Бу эса маҳсулотнинг сотилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Чунки маҳсулот таннархи ошган сайин харидорлар сафи камаяверади.

Оқибатда қайта ишлаш корхонасининг ҳам молиявий аҳволи ёмонлашиб, хом ашё учун хўжаликлардан қарзи ортаверади. Хуллас, ҳамма нарса айланма маблағлар етишмаслигига бориб тақалянти. Агар ушбу муаммо оқилона ҳал этилса, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари борасида аҳвол енгиланиши турган гап.

— «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхона ва хўжаликларнинг бу борадаги аҳволи қандай?

— Уюшма бўйича 1996 йил 1 январь ҳолатига дебиторлик ва кредиторлик қарзлари 1 миллиард 368 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1997 йил 1 январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 2 миллиард 198 миллион сўмдан иборат бўлди. Бир қарашда аҳвол ёмонлашгандек кўринади. Лекин дебиторлик ва кредиторлик қарзлари борасидаги аҳволга баҳо берганда етиштирилган ялпи маҳсулот ҳажмидан келиб чиқиш керак. Шу нуқтаи назардан қараганда 1995 йилда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси бўйича 11 миллиард 186 миллион сўмлик маҳсулот сотилган. 1996 йилда эса бу кўрсаткич 18 миллиард 880 миллион сўмни ташкил этди. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмига таққослаганда, 1995 йилга нисбатан 1996 йили дебиторлик ва кредиторлик қарзлари маълум даражада камайган. Фоиз жиҳатидан ифодалаганда бу 12,2 ва 11,6 фоизни ташкил этади.

Қарор ижроси фарз

Молиявий ҳисоб-китоблар, ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг сотилиши нуқтаи назаридан олиб қараганда бундай кўрсаткич одатий ҳолдир. Чунки дебиторлик ва кредиторлик қарзларини нолга тушириш ёки жуда паст ҳолатда ушлаб туриш мумкин эмас. Сабаби, пул маблағлари доимий ҳаракатда, кимдир қарз олади, кимдир қарзини қайтаради, кимдир маҳсулот сотади, кимдир харид қилади ва ҳоказо. Бундай ҳолатда ҳисоб-китоб ишларини бир нуқтада ушлаб туришнинг иложи йўқ.

Албатта, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳажми ялпи маҳсулотга нисбатан 15—20 фоиздан ошадиган бўлса, ташвишланарли ҳолдир. Чунки бу молиявий муносабатларнинг ишдан чиқишига, иқтисодий мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

— Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг 15 фоиздан ошмаслиги ва корхоналар маблағсиз ўтиришибди?

— Мен ушбу фоиз бўйича ўртача рақамларга тўхталдим. Ҳолбуки, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари 40-50 фоизга етиб қолган корхона ва хўжаликлар ҳам бор. Равшанки, уларнинг молиявий аҳволи ночордир. Ҳудди шундай, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажмини 4-5 фоиздан оширмаётган корхона ва хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Бу ерда кўп нарса корхона ва хўжалик раҳбарининг тадбиркорлиги, меҳнат жамоасининг аҳиллиги каби омилларга ҳам боғлиқ. Ҳудди шундай мавжуд муаммолар рукач қилиниб, гирромлик содир этиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бошқача айтганда, ҳисоб-китоб ишларида инсоф ва диёнат ҳам жуда муҳим роль ўйнайди. Инсофсиз кимса нуқул ўз фойдасини ўйласа, диёнатли киши шериклари манфаатларини ҳам асло кўздан қочирмайди. Ҳудди шундай ҳисоб-китоб борасида адолат нуқтаи назаридан келиб чиқилмаса, аҳвол мушкуллашиши мумкин. Минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар, техника воситалари, нархларнинг, электр энергия ҳақининг ошиши хўжалик етиштирган маҳсулот баҳосининг ўсишидан бирмунча илгарилаб кетмоқда. Натижада корхона ва хўжаликларнинг молиявий аҳволи ёмонлашмоқда.

Бундан ташқари, шартномаларни тузишда томонларнинг ҳуқуқ ва жавобгарлиги тўғри акс эттирилмаганлиги сабабли кўп чигалликлар келиб чиқмоқда, хусусан хўжалик судига мурожаат қилиб, ўз манфаатини ҳимоя қилиш қийин кечяпти.

Яхшиямки, давлатимиз бундай салбий ҳолатнинг авж олмаслиги юзасидан тегишли чораларни кўрмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган жиддий чора-тадбирлар белгиланмоқдаки, бу яқин орада ижобий натижаларга олиб келиши аниқ.

— Ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, бу борадаги қатор салбий ҳолатларнинг олдини олишнинг бошқа омиллари йўқми? Масалан, хом ашё етиштирувчи хўжаликлар ва уни қайта ишлайдиган корхоналар ихчам тарзда бирлаштирилса, ҳисоб-китоб ишлари анча енгиллашмайдими?

— Ҳақиқатан ҳам бу қатор чигалликларга барҳам бериши мумкин. Масалан, «Ўзумзор» жамоа хўжалиги ва «Мастона» акционерлик жамияти корхонасининг бирлашиб, яхлит тизимга айланиши иккала томон учун ҳам жуда фойдали иш бўлди. Айниқса, қарзга ботиб қолган «Ўзумзор» меҳнат жамоасининг кўкрагига шамол тегди. Хўжаликни оёққа турғазиш учун «Мастона» 15 миллион сўм атрофида маблағ сарфлади. Бу мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш йўлида амалга оширилган эзгу тадбир бўлиб, ҳадемай унинг фойдаси кўзга ташланади, деб ўйлайман.

— Шу ерда савол туғилади: «Агар «Ўзумзор» мустақил ҳолатда қолганида «Мастона» шунча маблағни сарфлармиди?

— Бир нима дейиш қийин. Албатта, ўзингники бўлмаса, пулинг бегонанинг ҳисобига ўтиб кетаётгандек туюлиши, бошқача айтганда, хўжаликлар ва корхоналар ўртасидаги тарқоқлик умумий ишга маълум даражада тўсқинлик қилиши турган гап. Шундай экан, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштиришнинг энг ишончли йўлларидан бири корхона ва хўжаликларни ягона мақсад — сифатли маҳсулот етиштириш ва ишлаб чиқаришга йўналтирган тарзда бирлаштиришдан иборатдир, десак асло хато қилмаган бўламиз. Бу омилни мутасадди раҳбарлар англаб етгани таҳсинга лойиқдир. Яқинда Фарғона водийси вилоятларида жойлашган корхона ва хўжаликлар раҳбарлари билан ўтказилган маслаҳат кенгашида «Наманганвино» ва «Наманганконсерва» агрофирмалари раҳбарлари айнан шундай фикр билдиришди, яъни ҳар бир қайта ишлаш корхонаси ўзига хом ашё етказиб берадиган хўжалик билан ягона ҳисоб рақамига эга бўлиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳаётнинг ўзи янгича ечимлар излашга тўғри бермоқда. Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича ҳукумат комиссияси фаолияти бу борада самарали ечимларга олиб келади, деб ўйлайман.

Суҳбатдош: Ш. АЛЛАМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Касби туманидаги Ш. Рашидов номли ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу йил 1920 гектар ерда ғўза ўстиришаяпти. Айни чоғда ниҳолларга ишлов бериш авжида. Бунда айниқса, механизатор Шавкат Чориевнинг ҳиссаси катта бўлаётир. У ўзига биркитилган тракторда ғўзани сифатли култивация қилишга эришмоқда.

СУРАТДА: пахтачилик бригадаси механизатори Шавкат Чориев.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзА)

КУНДА БИР ЯШНАЯПТИ

Дала манзараси қалбларни жунбушга келтиради. Деҳқон меҳрига қониб кунда бир яшнаётган ғўзалар, бўлиқ ғаллазорлар фидойи меҳнат самараси. Юқори Чирчиқ туманидаги «Юқори Чирчиқ» жамоа хўжалиги деҳқонлари табиат қийинчиликларини мардона енгиб ҳар иш кунини қувончли натижалар билан якунлашмоқда. Бу ерда янгилик ихлосмандлари кўп. Андижон технологияси биринчилардан бўлиб шу ерда қўлланилди. Бир текис унган ниҳолларнинг ривожи барчани қувонтирмоқда. Деҳқон экинларга қараб кўри, меҳр зиесини бахшида этаётганлиги учун уларнинг ривожи одатдагидан анча илгари.

Далада ишлаётганларга ҳар томонлама қулай шароитлар яратилган. Серикбой Омонов, Қучқор Жўрашов, Акбар Бердиалиев, Тўлаган Рисалиев етакчилигидаги бригадалар дала ишларини сифатли амалга оширишда барчага намуна. Тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилганлиги учун ишга онгли муносабат мустаҳкам қарор топди. Хайрли ташаббуслар юзага келмоқда. Президентимизнинг халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган долзарб вазифалар асосида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шу кунларда механизаторлар масъулияти ўн чандон ошган. Кучли ёнингарчиликдан сўнг қатор ораларига сифатли ишлов беришнинг аҳамияти катта. Буни яхши тушунган Қўзибой Қўнғирбоев, Эржон Тўлаганов, Қосим Сеитносиров каби техника ихлосмандлари кунлик меъёрни зиёдаси билан адо этишмоқда. Бош ҳосилот Мамадали Урозалиевнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичида ғўзалар бунчалик баравж ривожланмаган экан. Дала шийпонлари деҳқоннинг чинакам оромгоҳига айланган. Маданий-маиший тадбирлар янгича талаблар асосида жонлантирилмоқда. Бутун диққат-эътибор ғалла ўрим-йиғимини узоғи билан бир ой ичида муваффақиятли якунлаш, ҳар туп ғўзада мул ҳосил учун замин яратишга қаратилмоқда.

Эркин ТЎЛАГАНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Фарғонадан уч хабар

«КЕЙС» ЁРДАМИДА

Ғалла мустақиллигига эришиш — иқтисодий мустақилликни таъминловчи муҳим вазифалардан биридир. 92 минг гектар ерда «Юна», «Спартанка», «Скифиянка», «Санзар-8», «Ёнбош» каби серҳосил навларни парваришлаётган Фарғона вилоят ғаллакорлари 400 минг тонна ғалла ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Айни кунларда қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон этилишига йўл қўймаслик, ғаллазорларни бегона ўтлардан тозалаш билан бирга дон ўриш комбайнларини мавсумга ҳозирлаш қизғин давом этмоқда. 1996 йилда вилоят ғаллазорларида 700 та дон ўриш комбайнлари ишлатилган бўлса, бу йил уларнинг сони 717 тага етказилди. Шундан 31 таси иш унуми юқори бўлган «Кейс» комбайнларидир.

ЧОРВАЧИЛИК ҚҲТАЙ СОҲАМИ?

Қорамоллар бош сонини кўпайтириш, зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш нафақат мўлкўлчиликка, балки аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, тўкин-сочинликка, пировардида иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бироқ, Фарғона вилоятидаги барча тоифадаги хўжаликларда юзага келган ночор аҳвол билан асло келишиб бўлмайди. 1997 йилнинг биринчи чорагида жамоа сектори бўйича қорамоллар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20987 тага камайиб кетганлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Натижада 1997 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сут ишлаб чиқариш 5777, давлатга сотиш 3572 тоннага, гўшт ишлаб чиқариш 2054, давлатга сотиш 1143 тоннага қисқарди. Тухум ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш қўпайган, холос.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Эскича фикрлаш, эскича қарашлар, боқимандалик — бизнинг энг асосий душманимиз. Вилоят сессиясидан сўнг Фарғоналиклар астойдил ишга киришдилар. Натижада шу йилнинг биринчи чорагида 103 км газ, 5,2 км сув қувурлари ётқизилиб, 160 ўқувчига мўлжалланган мактаб ишга туширилди. 940 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Шунингдек, 8,5 минг км ички хўжалик ариқлари тозаланди, 691 км сув тармоқлари, 1762 та сув иншоотлари таъмирланди.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни газлаштириш бўйича 1997 йилда кенг кўламдаги ишларни амалга оширишяпти. Жорий йилда 500 км узунликдаги газ, 127 км узунликдаги сув қувурлари тортилиб, фойдаланишга топширилади. 1374 ўқувчига мўлжалланган замонавий, барча қулайликларга эга мактаб, 3000 аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган шоҳобча бинолари қурилиши йил охиригача ниҳоясига етказилади. 660 гектар янги ерларни ўзлаштириш, 2000 гектар ерни қайтадан унумдорлигини ошириш, 1000 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган бўлиб, белгиланган ишлар изчиллик билан бажарилянти. Шунингдек, Сўхдаги сув омбори қурилиши учун 60 миллион сўм маблағ ажратилганлиги бу борадаги ишларни амалга оширишга кенг имконият беради.

Белгиланган вазифаларни амалга оширишда хўжаликларарро қурилиш трести, «Фарғонасувқурилиш» бирлашмаси, «Фарғонақурилиш» (бирлашмаси) трести, «Агроқурилиштаъмирлаш» бирлашмаси жамоалари муносиб улуш қўшмоқдалар.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.

Томорқа — туганмас хазина

САВОБ КУНДА КЕРАК

Нормурод ота Шералиев 40 йилдан ортиқ Яккабоғ туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида ҳалол меҳнат қилди. Мана ўн йилдирки нафақада. Аммо уйда тинчгина ўтириш отахонга ёт одат. Эртаю кеч уни ўз боғида учратасиз.

У кишининг бир фазилати бор. Қаерда тезпишар, ҳосилдор навли қўчат борлигини эшитгудек бўлса, дарҳол боғини суриштириб, уруғи ёки ниҳолидан келтиради. Унинг 17 сотихлик томорқасида узумнинг йўқолиб бораётган, таъми асалга татийдиган сайви, қора кишмиши, султони, тоифининг турли хилларидан бор. Томорқанинг бошқа томонида эса кўксултон, эртаги сариқ, қора, қизил гилос, оқ сариқ, қизил ўриклар. Бундан ташқари шотут, хурозматут, балхтут каби меваси шифобахш ноёб дарахтларни парваришлаб ҳосилини элга тортиқ қилаяпти.

Ҳовлининг яна бир четида нашвати, кичик кишки нашвати, қизил, оқ, сариқ, семеренко, размарин навли олмалар, шунингдек, Варганза анори, қора данакли анор, ёнғоқ, жилонжийда, анжир шафтоли, қора ва сариқ анжирларни бир-бирига чатиштириб шундай мевалар етиштирдики, отахонинг эзгу ишларига тасаннолар айтасан киши. Хуллас, кейинги ўн йил мобайнида отахон асл меваларнинг 40 дан ортиқ турини томорқасида етиштирди.

Яқинда биз ана шу номи эъзоз билан тилга олинаётган отахоннинг хонадонида бўлдик. Бобо яктак этакларини қайтариб олган ҳолда дарахтларни парваришлаб турган экан. Боғни айланғач уйга таклиф этди.

Май ойи охирлаётганига қарамай дастурхон олтин ранг узум, анор, олма ва бошқа сархил мевалар билан тўлган. Гурунг қизигандан қизиди. Суҳбатимиз мавзуи отахоннинг боғбонлик фаолияти ҳақида борди.

—Ота-боболаримнинг ҳам умри боғбонлик билан ўтган, — дейди отахон. — Шу касбга меҳр авлодларимдан менга мерос. Нафақага чиққунимгача ҳам ишдан уйга келдим дегунча мевали дарахт экиш, унга шакл бериб парвариш қилиш, пайвандлаш ишлари билан банд бўлардим. Мен етиштирган мевалар Шахрисабз, Яккабоғ бозорларида қўл-қўлга тегмай сотилиб кетади. Айрим харидорлар мени қайси қишлоқда яшашим ҳақида сураб-суриштириб қолишади. Фарзандларимни суннат ва уйлантириш тўйларини ҳам томорқадан келадиган даромад ҳисобидан қилиб берганман. Болаларимга уй қуриб бердим. Уларнинг томорқаларида ҳам ўзим етиштирган мевали дарахтлардан ўтказиб, чиройли боғ бунёд этишда бош-қошман.

Бундан 20 йиллар илгари уй қуриб, томорқа қилинган жойлар жарлик, тепалик ҳамда ташландиқ ер эди. Ҳали фарзандларим вояга етмаган пайтда бу ерларни текисладим, тош ва бошқа кераксиз нарсалардан тозаладим. Фермадан гўнг келтириб солдим. Томорқани девор билан ўрадим. «Бир жонингизга шунча ташвиш нимага керак, бу ерда нима унарди» деганлар ҳам бўлди. Инсон қўли гул деганлари рост. Йиллар ўтиши билан барча ниҳоллар ўсиб мевага кирди. Ҳосилдан яхшигина фойдалана бошладик.

— Томорқанинг бир қаричини ҳам бекор қўймайман, — сўзида давом этди мезбон. — Мевали дарахт тагларига ҳам қулупнай, беда, кўк пиёз ва бошқа сабзавотлар экиб яхшигина ҳосил олаяпмиз. Бундан бир неча йил олдин шу жойда лимон, мандарин ва бошқа цитрус мевалар етиштиришни йўлга қўйдим. Насиб этса, бу йил кўзда ҳам яна бир набирамнинг суннат тўйини ўтказиш ниятидаман. Тўй харажатларини шу боғдан кутаришни мўлжаллаганмиз. Беморлар учун мева-чева сураб келишади. Сарҳил мевалар, узум, тут шиннилари, мева қоқисини иссиқ сувга ивитиб ичиш учун бепул тайёрлаб бераман. Чунки инсонга савоб керак. Бирини берсангиз Яратган ўн баравар қайтаради. Меҳнатингиз маҳсулидан бир бемор шифо топса бундан ортиқ шодлик борми?

Ҳа, ҳамма баракат ҳаракатда деганлар. Н. Шералиев мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Отахоннинг айтишича, узининг ҳамда фарзандларининг боғидан йилига олаётган даромади 100 минг сўмдан ошар экан. Узлари еб, қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тарқатилгашдан ташқари албатта.

Ҳозирги вақтда 71 баҳорни қаршилаган бу отахон ҳамон ишлардек бардам. Бир дақиқа бекор ўтириш ҳам унга эриш туюлади. Уз тили билан айтганда, меҳнатидан ҳордиқ чиқаради. Нормурод бобо Шералиевнинг саъй-ҳаракати билан бундан икки йил илгари қурилган тегирмон хўжаликдаги қишлоқлар аҳолисининг оғирини енгил қилмоқда. Ушбу тегирмон бир кеча-кундузда 1000 килограмм ун чиқариш қувватига эга. Шу билан бирга у Мучин қишлоғи фермаси ёнидаги ташландиқ ердан фарзандлари кўмагида 12 сотихини узлаштириб, уч йил бурун 10.000 дона терак қаламчалари экди. Тераклар тобора кўкка бўй чўзиб йўғонлашмоқда. Келажакда қишлоқ ёшлари уй-жой қурилишида ёғоч-тахта муаммоси бўлмайди. Қўпнинг раҳматини олиб, савоб тагида қолганга нима етсин. Шундай фидойи инсонлар халқимиз бахти, фахримиздир.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

КУНЖАРА НЕГА ТАҚЧИЛ?

Ҳаридор республика бозорларида хориждан келтирилган ўсимлик ёғи тўлиб кетганидан ҳабардор, албатта. Аммо у ўзимизнинг пахта ёғи таъмини унутиб қўяёзди... Биз Наманган вилоятининг деярли барча аҳолиси шу туфайли ташвиш чекаётгани тўғрисида ёзган эдик.

Бу мавзуни давом эттирар эканмиз, гап ўзимизда ишлаб чиқарилган ёғнинг дўкон пештахталаридан сиқиб чиқарилишидагина эмаслигини таъкидлашни истардим. Қайта ишлаш учун чигит етказиб бериш ҳажмининг камайиб кетиши бошқа маҳсулотлар — чигит пўстлоғи, кунжара сингари энг зарур маҳсулотларнинг ҳам камайишига олиб келди. Натижада асосий ишлаб чиқаришнинг мана шу чиқитлари, яъни чорвачилик учун зарур маҳсулотларнинг тақчиллиги вилоят бозорларида мол ва гўшт нархининг кескин ошиб кетишига олиб келди.

Бундан бир йил муқаддам уйида мол боқаётган кишилар «Наманганэкстракт-ёг» ва «Учқўрғон-ёг» акционерлик жамиятларидан чигит пўстлоғи ва кунжара сотиб олар эди. Бу йил бошидан бу озуқаларни сотиш бутунлай тўхатилди. Тўғри, наманганликларда хусусий мол эгаларига қандайдир йўллар билан кумак бериш истаги бор. Аммо учқўрғонлик «монополиячилар»нинг «эшигини очиш» қийин бўляпти. Улар бутунлай бошқа ижтимоий йўналишда ишлатиладиган сўзларни баландпарвозлик билан такрорлашдан ҳам уялмяпти. Мисол учун, аҳолининг ўз уйида боқаётган молларини озуқа билан таъминлаш муаммосига боқимандалик кайфияти билан ёндошишга барҳам бериш пайти келди, деди Учқўрғон акционерлик жамияти раиси Аҳмад Умаров. У мол эгаларига ўз молларини томорқадан чиқадиган маҳсулот билан боқиш хусусида «оталарча» маслаҳат бермоқда.

Муаммо ечимини кутади

Бу гап ҳам аслида тўғри. Бироқ томорқада етиштирилган озуқа қанчалик яхши бўлмасин, чигит пўстлоқ билан кунжаранинг ўрнини босолмайди. Бу ҳақиқат ҳар бир мол эгасигагина эмас, тегишли соҳа ходимларига ҳам аён бўлиши керак.

Мол эгаларини ташвишга солаётган муаммоларга жиддий эътибор бериб, уларни ҳал этиш зарурлигини қўйидаги фактдан ҳам билса бўлади. 1997 йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича жамоа ва фермер хўжаликлари етиштирган гўшт атиги 1980 тоннани ташкил этди, хусусий сектор вакиллари эса бозорга 7701 тонна гўшт етказиб берди. «Учқўрғон-ёг» акционерлик жамияти раисининг фикрига қараганда, бундай хусусий ферма эгалари шундай ҳам яхши натижага эришаётган экан, уларга чигит пўстлоқ билан кунжара етказиб бериш шарт эмас эмиш...

Улар керакли ёрдамни олганида натижа бундан ҳам яхшироқ бўлиши мумкин эди-ку! Бироқ акционерлар керак бўлса бозордан сотиб олсин, деб уларга ана шу ёрдамни кўрсатмаяпти.

Тўғри, Наманганнинг ҳатто айрим марказий кўчаларида ҳам чигит пўстлоқ билан кунжара бемалол сотилаяпти, аммо уларнинг нархи бу маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналарда ўрнатилган нархдан 6-7 баравар қиммат. Қатъий тақсимот бўйича тарқатилаётган озуқанинг бозорда қай тарқа пайдо бўлиб қолаётгани — алоҳида мавзудир.

Ҳозир эса бозорда гўшт нархини тобора ошиб боришига бироз бўлса-да таъсир ўтказиш мақсадида мол бозорлари ишини тартибга келтириш ҳақида қарор қабул қилинган. Гўштни белгиланган нархда сотаётган фермерларни рағбатлантириш бўйича ҳам тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу чора-тадбирларни самарали дейиш қийин. Чунки мол боқиш, хусусан озуқа арзонлашганидагина бозорда мол ва гўшт нархи арзонлашади.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари аҳолини унча қиммат бўлмаган муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор равишда таъминлашга халақит бераётган ўнлаб бошқа омилларни ҳам айтишлари мумкин, албатта. Биз ҳам бунга эътироз билдирмоқчи эмасмиз: бирбири билан узаро боғлиқ бу муаммоларни ҳал этиш учун аграр сектор ходимларининг ҳам, маҳаллий ҳокимиятнинг ҳам, саноатчилар ва тадбиркорларнинг ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракати зарур.

Назира ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.

Денгиздай чайқалиб турган ям-яшил ғаллазорларда буғдой бир текис бош тортди. Ота-бобоси деҳқон ўтган Бувайда туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги аъзоси Эмингул гуркираган кенг далаларга боқиб дили яйрайди. Эҳ-ҳе хўжаликда мавжуд 382 гектар ерга экилган ғалла, 930 гектар майдондан олинажак пахта, қанчадан-қанча одамларга насиба, кийим-кечак, ризқи рўз бўлишини ўйлаб, шу улуғ ишда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигида ғурурланади.

СУРАТДА: замин билан тиллашаётган Эмингул Раззоқова.

К. ЎЛМАСОВ олган сурат.

Қўшработ томонларга ҳеч йўлингиз тушганми? Эҳ-ҳе, унинг таровати... Айниқса йилнинг апрель ва май ойларида Қўшработ баҳори кўзни яшнатгудек камалак жилосини олади. Оқтов ва Қоратов этаклари кета-кетгунча яшиликка бурканади. Бўлоқлар сим-сим кўз очиб, жилғалар тўлиб-тошиб оқади. Сойлари жўшиб, баҳорий қўшиқ айтади. Қир ва адирларда лола-қизғалдоқларнинг алвон-алвон ранглари жилва қилади. Қоракўлчиликка ва лалми ерларда ғалла етиштиришга ихтисослашган туманнинг Оқчоб, Урганжи, Қоратов яйловлари, Бексарик ва Боқи-Болтамин участкаларида айни шу кунларда бўлсангиз, беназир манзаралардан олам-олам завқ туясиз. Чўпон-чўлиқлар, галлакорлар ва ҳатто раҳбардан тортиб мутахассисларгача —ҳаммаси сизни самимий қарши олиб, саратон қуёшидай қизғин суҳбатга чорлайди. Эзгу ниятларидан, бунёдкорлик меҳнатидан ва бугунги хайрли юмушларидан сўз очади. Бундай пайтларда Қўшработ осмони узра кундузи Қуёш, кечаси Ой порлайди.

...Биз Қўшработ сафаридан қайтар чоғимизда ҳам туманнинг ҳадсиз-ҳудудсиз кенгликларига тун аста-аста чўка бошлаган, Қўшработ осмони узра эса тўлин ой тўлиб, ҳамма ёққа ўзининг соҳир нурларини таратаётган ажиб паллалар эди. Не бахтки, ушбу лавҳамизга ҳам «Қўшработ осмони узра ой»нинг сим-сим ёғдуларини пайваста айлашга жазм этдик...

ҚЎШРАБОТ ҚЎШ ҚАНОТИ



СУРАТЛАРДА: 1. Туман ҳокими Мансур Қўшбоев (ўнгдан), Очил Қодиров номли ижара хўжалиги етакчиси Самиддин Маҳмудов ва моҳир чўпон Худойназар Тўймуродовлар қоракўл терилар сифатини кўздан кечиришмоқда.

2. Донгдорларнинг донгдори Марди ака Тўймуродов ҳамон эл ишига, қоракўлчиликни ривожлантириш ҳаракатига, ташаббусига камарбаста...

Т. НУРМУҲАММАД олган суратлар.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида етакчи чорвачилик мутахассислари билан бўлган суҳбатимиз чоғидаёқ Қўшработ тумани чорвадорларининг тўл олиш мавсумидаги ютуқларини эшитиб, гоят қувондик. Бошқарма бошлиғининг чорвачилик бўйича муовини Тошбури Қиличев ва бош мутахассис Суннат Қўбаев суҳбат асносида Қўшработта ижодий сафар уюштиришимизни маслаҳат беришди. Шундай қилиб, илғор чорвадорлар ва галлакорлар юрти — Қўшработга, чўпон-чўлиқлар ва деҳқонлар билан дил-диддан суҳбат қургани—ёруг туйғулар оғушида йўлга тушдик.

— Асли мен ҳам қўшработликман, — дейди Суннат ака йўл-йўлакай биз билан суҳбатда. — Мана, умримнинг қарийб қирқ уч йилини асосий тармоқ — чорвачиликка бағишлаб келяпман. Не бахтки, Самарқанд томонларга бу йил баҳор яхши келди. Кўкламнинг қутлуғ ва баракали келиши, айниқса, чорвадорларни ва галлакорларни қувонтирди.

Биз тушган машина чор атрофдаги яшиллик уммонида худди қайиқдай енгил сузиб, олға интилади. Азим шаҳар — Самарқанд, кейин Челак ва бизга йўл-йўлакай пешвоз чиққан Митан аллақачон ортда қолди. Ҳамроҳимизнинг айтишича, ҳадемай Қўшработ туманининг ҳудудига кириб борамиз. «Узумзор» — «Оқтепа» ижара хўжалигининг хушҳаво чойхонасига етдикми, бас, у ёғи — Қўшработ. Биласизми-йўқми, олдинда номи ғаройиб бир довон бор — «Дунгқуллак». Шу довондан ошиб, пастга энсак — туман маркази — Пичотта етдик, деб фараз қилаверинг...

Дарҳақиқат, «Дунгқуллак» довонидан қўйига энишимиз билан чиройли манзаралар яна кўз олдимизда намоён бўлди. Биз кузлаган манзил — Қўшработ баҳорий жамоли билан йўлларимизга поёндоз тўшаб, истиқболимизга пешвоз чиқди...

* * *

Туман ҳокимлигининг кунгарадор биноси кун чиқарга қараб қад кериб турибди. Атрофи боғ, гулзор. Ҳамма ёқ саришта, озода. Бундай орасталикнинг, табиийки, хосияти кўп, савоби улуғ. Ахир, Хизрнинг ҳам фаришталари жойга назари тушади! Иқтидорли раҳбар ва мутахассис Мансур Қўшбоев туман ҳокими сифатида узининг илк фаолиятини бошлаган кунданоқ ҳамма жойда — у хоҳ ишхона, хоҳ йўл ёқаси ёхуд йўлка бўлмасин — озодалик ва саришталикни таъминлаш юзасидан барча мутасадди раҳбарларга йўл-йўриқ бергани ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдида. Ушанда бу топшириқни барча-барча хайрихоҳлик билан қарши олгани бежиз эмас. Чиндан ҳам... саришталик — фаришталик, ҳар яхшиликка ва эзгуликка эса фаришталар омин айттусидир.

Туман ҳокими қабулидаги гурунгимиз гоят қисқа бўлди. Мансуржоннинг хушчақчақ чеҳраси ва аъло қайфиятидан билдикки, 1997 — Инсон манфаатлари йили қўйқўрбоқиклар учун ҳар йилгидан қут-баракали бошланган. Чиндан ҳам вилоят ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида бизга қайта-қайта таъкидлаганларидек, иншоолло, туман меҳнат аҳлининг омади от чопяпти.

— Туманимиз меҳнат аҳли асосан қоракўлчилик ва лалмикор ерларда галла етиштириш билан шуғулланишини айтиб утиш жоиз, — деб қисқача изоҳ берди ҳоким ва кувонч туйғуси билан яна шуларни алоҳида қайд этди. — Бу йил қўзилатиш мавсумини вилоятда, балки республикамиз миқёсида биринчилар қаторида муваффақиятли якунлашга эришдик. Утган ойнинг бошларида, тўғрироги, 10 апрелда отарларимизда 23 минг 920 бош дуркун ва соғлом қўзи олиб, мавсумнинг илк натижаларини сарҳисоб қилишга киришдик. Аниқ ҳисоб-китобларимизга кўра, 7 минг 920 дона сифатли қоракул тери тайёрланди. Таъкидлаш жоиз — 16 минг қўзи ва улоқ устиришга қолдирилди. Уларнинг 10 минг 900 боши ургочи қўзилардир. Бу олинган наслга нисбатан 70 фоиз, демакдир. «Қўшработ», «Зармитан», Очил Қодиров номли ва бошқа бир қанча хўжаликларда тўл олиш мавсуми натижалари, айниқса, юқори бўлди. Шу ўринда Жамол Бурхонов, Холмурод Ҳайитов, Самиддин Маҳмудов каби тадбиркор хўжалик раҳбарларининг чорвадорлар ўртасидаги ташкилотчилигини алоҳида қайд этиш лозим. Раҳбарлик масъулияти қаерда юқори бўлса, ўша ерда ютуқларга ютуқлар қўшилишини муҳим давр — тўл олиш мавсуми аниқ ва ёрқин кўрсатди. Туманимиздаги мавжуд 123 та отарда чўпонлик зиҳматини роҳат-фароғат деб билган, қоларверса, узининг барча оила аъзолари ва қариндош-уруғлари билан меҳнатга астойдил енг шимарган тажрибали қўйчивонларимизнинг устувор меҳнатини алоҳида таъкидлаймиз. Шундайлар, яъни чорвачилигимизнинг фидойи кишилари бор экан, иншоолло, истиқболимиз истиқболига ишонч туйғулари ортиб бораверади. Ана шу ишончнинг бўй-басти ва дунё миқёсидаги салобати нечоғлик Чиноргга айланишининг биринчи тамал тоши — меҳнат.

Бу йил яйловларимизда ҳам, галлазору боғ-роғларимизда ҳам қут-бараканинг дастурхони мўл-кўлчиликдан янада файзиёб бўлишидан умидворсиз...

Ҳа, умидворлик — ҳаётга ошуфталикнинг энг тиниқ, яъни шаффоф кузгусидир. Бу кузгуда мустақил юртимизнинг эртанги порлоқ кунлари бўй кўрсатиб турибди...

* * *

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Файзиддин Абдиалимов ва бош мутахассис Абдурайим Бойназаров бизни туманнинг нуфузли хўжаликларидан бирига, тўл олиш мавсумининг пешқадам чўпонлари ҳузурига чорлади.

— Очил Қодиров номли ижара хўжалиги, — деди бошқарма бошлиғи — узининг бой ва тажрибачиликдаги кўп йиллик анъаналари билан алоҳида ўрин тутади. Хўжаликда туёқ сони — 9.345 бош. Шу жониворларнинг 5 минг 300 бошидан тўл олинди. Айниқса тўл мавсуми Худойназар Тўймуродов бош чўпон бўлган отарда намунали ташкил этилганлиги бизни қувонтирди. Бу ерда 348 бош она қўй қузилади. Шунча она қўйдан 390 бош насл олинди. Бу — ҳар юз бош қўйга 112 тадан қузи олинди, демакдир. Отарга яна отар қўшилди. Бош чўпоннинг отарида 290 бош қузи устиришга қолдирилди.

Дарвоқе, Худойназар Тўймуродов — донгдор ва номдор чўпон, меҳнат фахрийси ва ширубадавлат оқсоқолимиз Марди ака Тўймуродовнинг мўмин-қобил фарзанди. «Чўпон таёги ерда қолмайди!» деган элимизнинг қутлуғ анъанаси Тўймуродовлар хонадонида устувор ва боқий.

Шу пайт суҳбатга Очил Қодиров номли ижара хўжалигининг етакчиси Самиддин Маҳмудов қўшилди.

— Мен, — дейди у, — бу ердаги атиги бир йиллик фаолиятимда, гарчи шу юртнинг фарзанди бўлсам-да, қоракўлчиликнинг узига хос заҳматлари ва шунинг баробарида ютуқлари ҳам кўплигига иқрор бўлдим. Сабаби — раҳбарлик халқ ичига чуқурроқ кириб боришни, меҳнат аҳлининг дарду қувончларига янада яқинроқ бўлишни талаб этаркан. Ҳабиб Улжаев, Хубай Хўрозов ва бошқалар бош чўпон бўлган отарларда ҳам юқори натижалар қўлга киритилди.

Галлакорларимизнинг ҳам бу йил хирмонига барака устига барака қўшиладиганга ўхшайди. Лалмикор майдонлардаги 4300 гектар галламиз бўлтурги йилнинг ҳам камини тўлдирадиган даражада ҳосил тўплаяпти. Демак, дон ҳам, сомон ҳам мўл бўлади. Исмат Рашидов, Бахром Ғафуров, Раҳмон Мансуров ва бошқалар бошлиқ ижарачи галлакорларимиз даласида галла майсалари дуркун, бошоқлар бўлиқ. Галла ўрим-йиғимига ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриб қўйдик.

— Мана, ёнгинамизда салобат тўкиб турган тоғ — Оқтов, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Файзиддин Абдиалимов. — Ҳозир биз Қовунчилар қишлоғининг Жонбулоқ ҳудудидамиз. Жонбулоқ номининг ўзиям туманимиз тоғ-этакларининг ҳамиша жозибадорлигига ишора этади. Яйловларимизда табиий ўтуланлар мул, тури беқиёс. Бу эса қоракўлчилик учун айни зарур омил ва имконият ҳисобланади. Туманимизда 60 та галлачилик бригадаси мавжуд. Ҳар иккитасига 2 тадан чорвачилик отарлари бириктилган. Ҳали 2 минг бош йилкимиз борлигини айтмадим. Шунинг 600 боши она бия. «Пангат» давлат наслчилик хўжалигида боқилаяпти.

Туманимиз қоракўлчилари асосан Қора, Сур ва Кўк рангли қоракул терилар етиштиради. Чунончи, «Қўшработ» ижара хўжалигининг Болтамин бўлимида кўк рангдаги қўйларни урчитиш, Эргаш Жуманбулбул ўғли номли хўжаликнинг 6-бўлимида сур ранги, шунингдек, боғ-роғларидаги яратиш ва бунёдкорлик ишлари айтган билан адо бўлмайди. Бошқарма бошлиғи таъкидлаганидек, туманда илғор чўпончўлиқлар ҳам, соҳибкору галлакорлар ҳам, қўйингчи, чорвачилик ва деҳқончилик фидойилари бисёр. Жумладан, Жамол Бурхонов, Холмурод Ҳайитов сингари тадбиркорлар раҳбарлик қилаётган «Қўшработ», «Зармитан» ва бошқа хўжаликларда номини фахр-ифтихор билан тилга олсак арзийдиган меҳнат донгдорлари талайгина. «Қўшработ» ижара хўжалигидан Болибек Шакаров, Бектош Шодмонов, Эргаш Жуманбулбул ўғли номли ижара хўжалигидан Ибод Бобоқулов ва бошқалар бош чўпонликда донг тараётиб, ҳайрли анъаналарга садоқат кўрсатишмоқда. Илло, «Қўшработ» ва Зармитан» хўжаликларида ҳар юз бош она қўйдан 110-120 тадан қузи олган донгдорлар шулар эмасми?!

Яна муҳтасар қўшимча шуки, туманда галла ўрим-йиғимига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. 80 та ўрим комбайни мавсумга тайёр. 47 та дағал хашак ўриш техникаси эса эрта-индин шичан ўримига сафарбар этилади. Туманда 37 минг 113 бош қўйнинг жуни қирқилиб, куклами ва бу мавсумда 400 центнер жун тайёрланади. Бунинг учун 10 та жун қирқиш шахобчасида бу тадбир тулиқ марказлашган ҳолда ўтказилади...

Абдулла ТУРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.

Маиший хизмат

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Пештоқида чиройли ҳарфлар билан «Дилором» маиший хизмат уйи» деб ёзилган қушқаватли бино қаршисида туриб қолдик. Бу ерга кирибчиқаётган аёлу эркакларнинг кети узилмайди. Улар мамнун, ички севинч, ҳаяжон чеҳраларни мунаввар этган. Магнитафонни жаранглатиб қўйиб чиқиб келаёган ўрта ёшли йигитни тўхтатиб, суҳбатга тортдик:

— Қандай юмушлар билан келган эдингиз. Сизга кўрсатилган маиший хизмат сифатидан кунгилингиз тўқми? — қабилида саволлар бердик. Узини ижарачи фермер Ғаффор Маматов деб таниттан мижоз жавоб қилди: «Дилором»га тез-тез келиб тураман. Мана ҳозир соч-соқолимни олдирдим. Сартарошхонадан чиқиб, паспорт учун суратга тушдим. Сунг пойабзал устахонасида этикка нагал қоқтирдим. Костюмни кимёвий тозалашга топширдим. Утган сафар магнитафонни қолдиргандим, мана, тузатишган экан, олиб уйга қайтаяпман. Хуллас, бир марта келишда 4—5 хил юмушни битириб қайтиш мумкин...

Биз бошқа кишилардан ҳам сўраб суриштирдик. Улар «Дилором» хизмати ғоят асқотяпти. Илгарилари шаҳарликлар турмушига ҳавас қилардик. Бугун мана, узимизда ҳам турмуш кўркамлашяпти. Маиший хизмат қулайликлари муҳайё, дейишди. Мижозларнинг самимий сўзларидан таъсирландик. Жамоа фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ичкарига қадам ранжида этдик.

Усмон Юсупов райони маиший хизмат уюшмасининг раҳбари Хонали Ҳайдаров бизларни хушнуд қарши олди. Мавжуд шарт-шароит билан таништириб, йўл йўлакай хол-аҳволни тушунтирди, муаммоларни тилга олди.

Ҳикоя қилинишича қўрик Усмон Юсупов тумани ҳудудида кейинги йилларда маиший хизматни ривожлантиришга эътибор кучайтирилган, бўлимлар фаолиятини такомиллаштириш, хизмат турларини кўпайтириш юзасидан тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган. Жумладан тегирмон, сартарошхона сингари кичик дуконлар хусусийлаштирилди. Бўлимлар фаолиятига эркинлик берилган. Хусусий ва ижара сектори ягона уюшмага бирлаштирилган. Ҳар бир соҳанинг аҳолига малакали хизмати йўлга қўйилган. Бугунги кунда район аҳолиси маиший хизматнинг 32 туридан баҳраманд бўлмоқда. Биргина 1996 йилда маиший хизмат кўрсатувчи нуқталар сони 12 тага кўпайтирилди.

Биз «тикиш-бичиш», «пойабзал тузатиш», «радио-телевизор созлаш» устахоналари иши билан танишдик. Охиста таралаётган музика оҳангларини тинглаб меҳнат қилаётган кишиларга разм солдик, суҳбатлашдик. Ҳар бир устахона ўзининг илғорлари билан фахрланади. Сартарошлардан О. Ашуров, И. Носиров, пойабзалчилардан Х. Емғиров, Х. Турдиев, зангори экран устаси Х. Маматқулов, сураткаш Ф. Мамажонов каби ўнлаб ўз касби соҳиблари маҳорат кўрсатиб, бошқаларга намуна бўлаётганлигига гувоҳ бўлдик. Аҳолининг буш вақтини тежашда, уларнинг уй ишларидан бўшаб, мириқиб дам олишига вақт ортиришига маиший хизмат ходимларининг меҳнати асқотаётганига, район меҳнаткашлари «Дилором»нинг серқирра фаолиятидан унумли фойдаланаётганига ишонч ҳосил қилдик. Жамоа жойларга бориб, фуқароларни яна қандай маиший нуқталар хизматига эҳтиёж сезишаётганини суриштиради. Маъмурият бу таклиф ва фикрларни ўрганади. Утган йили аҳолининг талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб Миришкор қишлоғининг Янгиариқ маҳалласида зангори экран устахонасини, Оқмачит қишлоғида тегирмонни ишга туширишди. Ғ. Ғулом номли, Автономов номли, «Тошкент» жамоа-ширкат хўжаликларининг қишлоқлари ва маҳаллаларида бичиш-тикиш, кир ювиш, пойабзал тузатиш каби янги маиший нуқталар очиш орқали ўнлаб кишиларга иш-чи ўринлари яратилди. 1997 йилнинг дастлабки чораги ойларида пуллик хизмат тушуми ойига 22000 сўмдан ошди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8000 сўм зиёд демакдир. Бу рақам маиший хизмат район аҳолисининг турмуш тарзига чуқур сингиб бораётганидан далолат беради.

— Қўпчилик дала баҳодирлари, корхона-ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари уйга қайтаётиб, албатта, «Дилором»га киради, бу бизни қувонтиради, — дейди уюшма раҳбари Х. Ҳайдаров. — Буюртмалар ортиб бораяпти. Эндиги вазифа маиший хизмат нуқталари доирасини кенгайтириш. Моддий таъминотни яхшилаш билан бирга буюртмаларни аъло сифатда ижро қилиб эл меҳрини қозониш, қишлоқда юксак маданий турмуш тарзи қарор топишига камарбаста бўлишдир.

Бозор иқтисодиёти тамойиллари ўзига хос. «Дилором» шундай шароитда барчанинг хизматида. Мана, бир хоним енгил машинадан тушиб, кийим тикиш хонасига кирди. У узига янги либос буюртма қилиши аниқ. Автобуседан тушиб келган бошқа бир мижоз эса пойабзал тузатиш устахонасига кирди. У туфлисини тузаттирди. Маиший хизмат ходимлари учун уларнинг ҳар иккаласи ҳам буюртмачи. Ҳа, қишлоқ инфратузилмаси ривожланиш палласига кирган. Буни «Дилором» маиший хизмат уюшмаси тимсолида кўриб турибмиз.

Б. ҚАҲҲОРОВ,
Э. МУСАЕВ.

ОШДИ ДОВОН – ТОШДИ ХИРМОН

(Жамоатчи мухбиримиз Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ телефон орқали хабар қилади)

Баҳористон тумани пиллакорлари давлатга 8 тонна ўрнига 11 тонна сифатли хом ашё топшириб, зафар қучдилар. Бунга «Кўҳна фазли», «Дўстлик», «Чандир», «Олтин бошоқ» жамоа-ширкат хўжаликлари «қумуш тола» ижодкорларининг қўшган улуши салмоқли бўлди. Мавсумда оилавий звенолар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларига таяниб иш олиб боришди. Самараси эса хирмонга барака киритди. Идимо Фармонова, Орзиқул Давронов, Сафарбой Жониёзов, Зоҳид Шовдиров, Чори Давронов, Гулнора Рўзиевалар етакилик қилган звеноларда ҳар қути қурт уруғидан юқори ҳосил олинди. Ҳозирча бу кўрсаткич 75-80 килограммга тўғри келмоқда.

Шунингдек, Усмон Юсупов тумани пиллакорлари ҳам кўзланган дастлабки маррадан ўзиб кетишди. Давлатга 23 минг килограмм сифатли хом ашё топширилди. «Жейнов», «Миришкор» ва Рўзмат Ғойибов номли, шунингдек, «Янгиобод», «Тошкент» жамоа-ширкат хўжаликларида натижалар қувончли.

Ҳар икки туманда ҳам давлатга пилла топшириш давом этаяпти.

КОМБАЙНЛАР ТАХТ

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур нақлига амал қилган Қарши туманидаги Яхши Омонов номли жамоа хўжалиги механизаторлари ғалла ўриш комбайнларини сифатли таъмирлаб қўйдилар.

— Ўрим комбайнларини таъмирлашда Умарқул Бозоров, Холмурод Ғойибов, Жуманазар Чўлиев, Тошпўлат Йўлдошевларнинг ҳиссаси катта бўлди, —дейди хўжалик бош муҳандиси Элбой Аллаев.

* * *

Хўжалик галлакорлари Инсон манфаатлари йилида янада унумлироқ ишламоқдалар. Улар мавжуд 1270 гектар майдондаги кузги ғалла парваришига алоҳида эътибор қаратишган.

Шу кунларда ғалла экинлари мавж уриб ўсмоқда. Ҳозир барча майдондаги экинлар сўнги суғоришдан чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу йил галлакорлар ҳар гектар майдондан 40 центнердан сара дон йиғиштириб олишни режалаштиришган.

Худойберди НАЗАРОВ.

Асл фуқарога бефарқлик бегона

АВЛОДЛАР НАСИБАСИ

Жумҳуриятимиз табиати ранг-баранг. Унинг харитасига назар ташласак, яшил урмонлар билан бир қаторда осмонўпар тоғлар, ямяшил боғ-роғлар, бепоён далалар, кўз илғамас яйловлар, ҳатто Қизилқум саҳроси, ўнлаб катта-кичик дарё ва сойлар, мовий кўлларни кўрамиз.

Зомин, Бахмал ва Форишнинг фусункорлигини бир сўз билан таърифлаш мушкул. Гоҳида Зомин тоғ ва ўрмонларини машҳур Швейцарияга таққослашлари ҳам бежиз эмас. Бир марта хушҳаво арчазорларни кезган одам бир умр бу ўлкани севиб қолади. Ёки Бахмал боғлари, осмонўпар тоғларида сайр қилганлар олам-олам завқ олиши шубҳасиз. Фориш яйловларининг ўзига хос таровати хотирада ўчмас из қолдириши табиий.

Бир неча дўстлар ҳамроҳлигида отда Бахмал тоғларини сайр қилдик. Тоғ ёнбағрларидаги боғларда ширин-шакар мевалар ҳар қадамда учрайди. Чўпонлар ўз отарларини серут яйловларга ҳайдашмоқда.

Йўл бошловчи бизни Ойқорга етаклади. Денгиз сатҳидан қарийб 3600 метр баландликда жойлашган Туркистон тоғ тизмасидаги табиатнинг бу муъжизаси кўп вақтдан бўён сайёҳлар ва олимларни қизиқтириб келмоқда. Қуёш чарақлаб туришига қарамай, эни 70 метрга, бўйи 60 метрча келадиган тоғ оралиғидаги майдончада абадий музлик. Зеро, ҳақиқий қиш манзараси кўзни қамаштиради. Дарвоқе, Ойқордаги қор кундузи соат 12 ларда оз-моз эрий бошлайди. Соат кечки 4-5 га бориб, қайта муз билан қопланади. Қор эриши натижасида музликнинг у ер, бу ерида кичик жилғалар пайдо бўлади. Сув оққан жойда кум-кўк майсалар бор. У ердаги музлик доимий бўлиб қиш ойларида қорнинг қалинлиги бир неча метрга етаркан. Қариялар ўз ҳаётларида Ойқордаги қорнинг 2-3 бор тўлиқ эриб кетганлигини кузатишган.

Ҳа, орамизда табиатни севмаган, уни ардоқламаганлар бўлмаса керак. Аммо шуни очиқ-ойдин тан олиш керакки, ҳамон биз она заминга бўлган муносабатларимизни ўзгартира олмаганмиз. Ваҳоланки, табиат инсон меҳрига чанқоқ. Гоҳида ўйланиб қоламан. Ахир, сайёрамиз имкониятлари ҳам чегаралган-ку! Уни суиистеъмол қилиш, асрлар бўйи асраб-авайланган моддий бойлигимизни, эртанги кунни ўйламай, ҳуда-беҳуда совуриш нодонлик эмасми? Шуни унутмаслик лозим, табиатдан биз нимани олсак, унга шунча нарса беришимиз, аниқроғи, уни бойитишимиз, кўз қорачиғидек асрашимиз даркор. Агар ана шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ҳозирги кунда атроф-муҳитга кўпроқ зарар келтириляпти. Гоҳида ўрмон ва боғ-роғларимизда, аниқроғи, табиат қўйнига дам олувчилар қолдирган «изларни» кўриб сочингиз тикка бўлади. Яқинда ойнаи жаҳонда Австралиянинг инсон қадами ҳали етиб улгурмаган афсункор табиати тўғрисида ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шу ерда тирикчилик қилиб юрган бир ишбилармон ўз тижоратини очиб, сайёҳларни чангалзорларга олиб боришни йўлга қўйибди. Шаҳарликлар завқланиш билан бирга табиатга асло зарар келтирмаётгани таҳсинга лойиқдир.

Кейинги вақтда «ҳаваскор» овчилар кўпайиб қолишган. Аммо ана шу милтиқ ушлаганлар табиатга қанчалик зарар келтираётганлигига, ҳайвонот оламини аёвсиз қириб юборяётганлигига нега гов солинмаяпти? Овчилар белгиланган муддатда, рухсат этилган ҳайвонларни тутишади, деб ким бизни ишонтира олади. Чунки кўпчилик милтиқ ушлаганлар кўзига кўринган нарсани нишонга олишади. Бир дақиқалик завқ учун «Қизил китоб»га киритилган жонивор йўқ бўлади.

Мени бир нарса ўйлантиради. Шаҳар ва қишлоқларида дарахт берган сояни мевали дарахт ҳам бериши мумкин-ку!

Жуда қадимдан Жиззах ўзининг кўркамлиги, боғ-роғлар кўлкаси сифатида шуҳрат қозонган. Бу ерда етиштирилган қовун-тарвуз, узум-анорлар шуҳрати қадимдан маълум. Ҳатто Заҳириддин Муҳамад Бобур ўзининг «Бобурнома»сида Жиззахда бўлганлигини алоҳида қайд қилиб, шаҳарда мева сероблигини таъкидлаган. Илгариги вақтда ота-боболаримиз ўз боғларида етиштирилган қовун-тарвузларни, узум ва меваларни у мавсумдан бу мавсумга бемалол етказишган. Бозорларимиз боғларимизда етиштирилган мевалар билан доимо тўла бўлган. Айтишларича, қадимда бу ерларда етиштирилган қовун-тарвузлар, узум-олмалар Ғалларорол, Бахмал, Фориш, Самарқанд ва бошқа шаҳар, қишлоқларига олиб бориб сотилган.

Агар жиззахликлар эслашса, бир вақтлар шаҳар марказидаги шоҳ кўчанинг икки томонида бир қанча боғ-роғлар бўларди. Йиллар ўтиши билан ана шу мевазорлардан асар ҳам қолмади. Кўча ёнига сон-саноқсиз чинор экилди, холос. Ҳар гал йўлни кенгайтириш мақсадида энди қўкара боплаган дарахтлар кесиб ташланиб, янгилари экилди. Чинор ва бошқа манзарали дарахтлар экиш яхши, албатта. Аммо бош режа асосида қурилаётган турар-жой даҳаларида, айниқса кенг ва равон кўчалар атрофига мевали дарахт эксак яхши бўлар эди.

Биз шу пайттача табиатни ўз измимизга бўйсундиримиз, дея чираниб келдик. Афсуски, бугунги кунда унинг измига қараб иш тутишга мажбур бўляпмиз. Агар унга қулоқ солмасак, унинг ихтиёрига юрмасак, албатта жафосини узимиз тортамиз. Зеро, табиатга қовушмай, йиллар давомида қилган меҳнатимиз беҳуда ўтган демак бор. Демак, бармиз она-табиатга қулоқ солмоғимиз, уни ардоқлаб, бойитмоғимиз лозим.

Ушбу сатрларни қоғозга туширяётиб, ўйга толаман. Хўш, камина оламни ўраб турган атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида қандай юмушга қўл урди? Афсуски, ҳар гал саволимга аниқ жавоб топишга қийналиб қоламан. Келинг, бефарқ бўлмайлик, аждодларимиз мерос қилиб қолдирган она-табиатни кўз қорачиғидек асраб, авлодларга безиён етказайлик.

Ислом УСМОНОВ.

Суратларда: Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларидан бир гуруҳи.

ҲАЙРАТЛИ КУНЛАР ҚУВОНЧИ

Орзиқиб кутилган XII Тошкент халқаро кинофестивалига жаҳоннинг 32 мамлакатидан экран санъати усталари ташриф буюришган. Улар орасида Абе Хироши (Япония), Атиф Салим (Миср), Умеш Меҳра (Ҳиндистон), Владимир Меньшов (Россия), Паоло Росконм Старикинг (Греция), Дени Оскерис (Туркия), Си Мейюнь (Хитой) сингари кино юлдузлар талайгина. Кинони ақл ва виждон маҳсули деб тушунган бу машҳур санъаткорлар илгари ҳам кўпгина жаҳон фестивалларида иштирок этишган.

Қадим-қадимдан Тинч ва Атлантика океанларини бирбирига боғловчи йўллар Тошкент орқали ўтган. Бугун у яна турли хил анжуманлар, учрашувлар ва ташрифлар тарзида давом этаяпти. Бу борада Тошкент кинофестивалининг аҳамияти мислсиз. Киноанжуман танлов комиссияси кўриб чиққан 80 дан ортиқ кинотасмаларда акс эттирилган ғоялар, мазмун ва манзаралар ранг-баранг. Бу кинофильмлар орасидан «Буюк Амир Темур» ва «Ҳамма ёқ оппоқ қор билан қопланганда» (Ўзбекистон), «Сардори бегим» (Ҳиндистон), «Актёр» (Эрон), «Абай» (Қозоғистон), «Ёндим» (Туркманистон) сингари 14 та фильм саралаб олинди. Бундан ташқари «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиорига мос тушадиган ахборот тарзидаги кинотасмалар кўриги ҳам бўлиб ўтаяпти. Меҳмонлар осмони беғубор, жаннатмакон шаҳар—мовий Тошкент бағрида таассуротларга бой бахтиёр кунларни ўтказмоқдалар. Зеро, дунёнинг бутунлиги ва яхлитлигини сақлаш учун ҳам бундай халқаро ҳамкорликлар зарурдир.

Кинофестивал жюри ҳайъатига Туркистон халқлари адабиётининг энг ёрқин юлдузи, машҳур адиб Чингиз Айтматов раислик қилмоқда. Матбуот конференциялари «Узбектуризм» миллий компаниясининг катта залида бўлиб ўтаяпти. Уларни кино анжуман Матбуот маркази раҳбари Аббосхон Усмонов бошқармоқда. Пойтахтдаги 6 та кинотеатрда фестивал фильмлари намойиш этилмоқда. «Кино бозори»да савдо қизғин. Халқаро бу анжуманни атрофлича кенг еритишга 200 дан ортиқ чет эл ва маҳаллий журналистлар жалб қилинган. Бугун дунё халқлари бу байрамни ойнаи жаҳон орқали томоша қилмоқда. Шунингдек, таржима ишлари билан Аббосхон Ирисқулов бошлиқ 100 га яқин мутаржимлар машғул. Улар 32 тилда бемалол хизмат кўрсата олади. Қисқаси, Тошкент кинофестивали ҳам мазмун-моҳиятига, уз даражасига кўра Каннт, Венеция ва Ҳиндистон кинофестивалларидан қолишмайди.

Кино инсон ақлини пешлаб, қалбини поклайди. Моҳир актёр ҳаракатларини таржимасиз ҳам тушуниш мумкин. Оддий, одатий, аммо ўта моҳирона ҳаракатлардан ҳайратга тушасиз. Кино инсонга шодлик, завқу-шавқ, орзу истаклар бериб, гузалликка етаклайдиган мўъжизавий санъат тури эканлигини яна бир бор ҳис қиласиз.

Ҳиндистонлик кинорежиссёр Акбар Хон Акбаршоҳ ва бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида 50 қисмдан иборат кинофильм яратди. Уч қисмли ана шу телеэпос ҳам айни пайтда Тошкентда. Тез орада бу телесериал ўзбек томошабинини хушнуд қилса ажаб эмас. Бинобарин, шу тарзда жаҳон халқларининг киносанъати тарихий меросини урганиш, маданиятларни юксалтириш учун бевосита хизмат қилаверади.

КИНО ЮЛДУЗЛАРИ САМАРҚАНДДА

Самарқанд. Инсон бу гўзал шаҳарга қадам қўяр экан беҳосдан кўз ўнгида тарих гавдаланади. Соҳибқирон Амир Темур барпо этган мадрасаю миноралар, боғу роғлар, унинг суюкли набираси Мирза Улуғбек яратган расадхонаю гўзал иншоотлар ўз салобати билан ўтмиш ҳақида ҳикоя қилади. Бу тупроққа фасоҳат илмининг соҳибқирони — Алишер Навоийнинг излари тушган. У Самарқанд боғларидан илҳомланиб шеърлар битган, шоҳношқ Ҳусайн Бойқаро билан иморатлар ва ариқлар бунёд этишга бошчилик қилган. XII Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчилари якшанба тонгида муқаддас Самарқанд заминига ташриф буюришди. Кино ижодколарини туз ва нон билан қарши олган самарқандликлар кун бўйи иззат-икром кўрсатиб сийлашди.

Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйган меҳмонларда Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Шоҳизинда ансамбли ва Улуғбек расадхонаси обидалари катта таассурот қолдирди. Ҳаммадан ҳам уларни самарқандликларнинг меҳмондўстлиги ҳайратга солди.

Куннинг иккинчи ярмида кино ижодкорлари Тойлоқ туманига йўл олдилар. Туман маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган маҳаллий ҳунармандларнинг кўргазмасини томоша қилишди. Мактаб ўқувчилари тайёрлаган концерт дастури ва маҳаллий полвонларнинг беллашуви меҳмонларда катта қизиқиш уйготди. Шундан сўнг фестивал қатнашчилари «Боғизоғон» ижара хўжалигининг Тошпўлат Бекназаров бошчилик қилаётган 6 гектарлик иссиқхонасида бўлишди. У ерда мўл ҳосил тутган баравж лимонлар кўзларни қувнатди. Йўлакай бошоқлар мавжини, боғ-роғлар ривожини ва ғуза ниҳоллари авжини кўрган меҳмонлар бободеҳқонга барака тилашди.

«Боғизоғон» оромгоҳида кино юлдузлари шарафига бўлиб ўтган учрашув пайтида Тойлоқ тумани ҳокими Абдураҳмон Искандаров меҳмонларга совғалар тақдим этар экан: — Биз турган шу ерга бобомиз Амир Темур қадами теккан, — деди. — Соҳибқироннинг энг гўзал боғларидан бири шу атрофда бўлган. Шу муқаддас жойда Сайрам Исаева (Тожикистон), Илҳом Шоҳин (Ҳиндистон), Патрик Килпатрик (АҚШ), Зиёвуддин Аҳмед (Бангладеш), Ўлжон Қолдаулова (Қозоғистон), Беҳзод Муҳаммадкаримов (Узбекистон) сингари кино юлдузларни кўрганимиздан беҳад хурсандмиз. Бугун Тойлоқ тумани тарихида унутилмас кун бўлди.

Гўзал Самарқанднинг қадимий ёдгорликлари ва хушманзара жойларидан бири олам илҳом олган кино намоёндалари душанба тонгида Тошкентга етиб келишди.

Д. САЪДУЛЛАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

МОҲИР КУЛОЛНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ВОРИСИ

Касби борнинг бахти бор

Султонмурод кулолчилик маҳсулотлари сув текин бўлиб қолган йиллари ҳам қадимги бўёқлар асосида лойдан плиталар, бадиий идишлар, ваза, гулдон, кўзача, чойнак, косалар, бодиялар тайёрлашни канда қилмади. У ёшлигидан қадимий обидалардаги кошинли безаклар шайдоси. Қанча асрлар ўтган бўлса ҳам қадимий Хева минора ва мадрасаларидаги бўёқлар ранги нега ўзгармайди? Худди кечагина суртилгандек жозибадор. Қуёш нурида товланиб кишини ўзига мафтун этади. Бунинг сири нимада? У бу ҳақда кўп ўйлайди.

Ўғлидаги бу қизиқишни пайқаган Абдураҳмон кулол фарзандига ноёб бўёқ тайёрлаш сирларини ургата бошлади. Абдураҳмон ота бу сирни отасидан, отаси бобосидан урганган экан. Султонмурод ўй шароитида тайёрланган бўёқни илк бора синаб кўрди. Ўшанда 1970 йил эди. Урганч шаҳридаги Абдулғози Баҳодирхон кўчасидан ўтган киши пештоқи кошинли муҳташам уйга кўзи тушади. Бу уста кулол Султонмуроднинг уйи.

Султонмурод кулоллар сулоласининг ун тўртинчи давомчиси. Унинг ота-боболари Хева хонининг қўл остида ишлаган. Хевадаги кўпгина (ҳозир кипи кўзини қувонтириб турган обидаларда) хусусан Шерғозихон мадрасаси кошинларини ясаш ва безашда ҳам унинг бобоси қатнашган. Кўк минорада эса бобосининг отаси ишлаган.

Унинг отаси Абдураҳмон уста ясаган хум, кўза, тоғора, бодия, чойнак, коса буюмлари фақат воҳада эмас, қўшни республикаларда ҳам машҳур бўлган. Абдураҳмон ота томонидан тайёрланган безакли хум Москвага олиб кетилган. Ҳозир ҳам ўша ердаги бадиий буюмлар галериясида сақланмоқда.

Абдураҳмон ота Ёқубов ясаган сопол буюмлар ўз даврида бадиий ижодкорларнинг кўрик-танловларида бир қанча дипломлар ва ёрлиқлар олган. Ҳатто у керамика усталарининг танлови совриндори ҳам бўлган.

Машҳур кулоллар сулоласининг давомчиси Султонмурод Абдураҳмонов ўз касбини ёш авлодга ургатиш билан ҳам шуғулланаяпти. У айни кунларда Урганч давлат дорилфунунининг кимё-технология куллиётида ишлаб чиқариш устаси бўлиб ишлаётир.

— Кулолчилик қадимий касб. Унинг анъаналарига ҳукуматимиз ўз эътиборини қаратаяпти, — дейди Султонмурод ака. — Сопол буюмлар озиқ-овқат ва суюқликларни экологик тоза сақлаш жиҳатидан металл ва пластмасса буюмлардан афзалдир. Хоразм-сопол буюмлар ватани. Ҳатто чинни Хитойдан олдин кўҳна Урганчда Хоразмшоҳлар даврида ишлаб чиқарилгани маълум. Шунинг учун воҳада сопол буюмларни ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқ жоиз.

Тўғри Хевада керамика заводи фаолият кўрсатяпти. Устанинг таъкидлашича, Хева заводи ишлаб чиқара олмайдиган керамика маҳсулотларини Урганчда тайёрлаш имкони бор. Амударё қирғоғида лойнинг ноёб тури топилган. Ундан том учун шифер, «тахта», силикат клей ва шиша ҳам тайёрлаш мумкин. Султонмурод устанинг ишхонасида ўзи тайёрлаган маҳсулотлардан нусхалар бор. Улар сифати жиҳатидан заводникидан қолишмайди.

— Хом ашёга бой Чолиш ҳудудида завод қурилса соз бўлур эди, — дейди у. — Бундай маҳсулотларга қурилишлар ниҳоятда муҳтож.

Дарҳақиқат, ёғоч-тахта танқис бир пайтда устанинг бу маҳсулотлари бениҳоя қимматлидир.

Э. ЭРМАТОВ.

ТЎПЛАР ШОДАСИ

Яқин орада Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида бунчалик кўп мухлислар тўпланмаганди. Ўринсиқлар тўлиб, ҳатто зиналарда ҳам жой қолмади. Шу куни Узбекистон миллий терма командаси дунё харитасининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган Комбоджа мамлакати футболчиларини қабул қилди.

Айтиш лозимки, мухлислар фақат ғалаба нашидасини суриш иштиёқида ва табиийки, ўйинчиларимиз ҳам шундай кайфият биан майдонга тушдилар. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларини юртдошларимиз яхши бошлашди ва Яманда бўлган учрашувда 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, дастлабки муҳим уч очкони қўлга киритган бўлсалар, иккинчидан, бу уларнинг ушбу туркумдаги ўз майдонларида ўтказган илк ўйинлари эди. Қолаверса, Комбоджа командаси жаҳон футбол таснифида Узбекистон терма жамоасига нисбатан сезиларли даражада қуйи поғонада туради.

Дарҳақиқат, учрашув юртдошларимизнинг тўла устунлигида ўтди. Диққат билан қаралса, майдонда ҳаракат қилаётган ҳар иккала жамоа ўз олдига бир-бирига зид бўлган икки нарсани — бири кўпроқ тўп киритиш, бири эса камроқ тўп ўтказиб юборишни ният қилганлигини пайқаш мумкин эди. Ҳар икки томон бунга қанчалик эришганини ҳали мутахассислар айтишади, таҳлил қилиб, келгуси учрашувлар учун манба сифатида фойдаланишади. Биз эса баъзи жиҳатларни қайд этамиз, холос.

Ўйин бошланиши билан футболчиларимиз ҳужумга ташландилар. Натижа ҳам узоқ кутдириб қўймади. Саросимага тушиб қолган меҳмонлар бирин-сирин ҳам техник, ҳам тактик хатоларга йўл қўйишди. Футболчимизга нисбатан қўполлик қилгани учун ҳакам жарима майдони яқинида меҳмонларни жазолади. Ширшов томонидан тепилган жарима тўпи «жонли девор»ни четлаб ўтиб, дарвоза тўрига бориб тушди. Ҳисоб очилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, тўп киритиш учун яна бир имконият пайдо бўлди: бу ғал ҳимоячиларнинг қўполлиги учун ўн бир метрлик жарима тўпининг дарвозага киритилиши билан якунланди. Муаллиф — Нуъмон Ҳасанов.

Футболчиларимиз биринчи бўлимда яна иккита тўп киритиб, ҳисобни 4:0 га етказдилар. Эҳтимолки, бу қадар осонлик билан шундай натижага эришилганлиги жамоамиз аъзоларига салбий таъсир қилди. Иккинчи бўлимда пала-партиш ҳаракатлар қутилганидан ҳам кўпайиб кетди. Кетма-кет ўйинчи алмаштиришлар ҳам айтарли самара бермади. Энг камида яна бешолтита тўп киритиш мумкин бўлгани ҳолда бор-йўғи иккита тўп киритилди — 6:0.

Шундай қилиб, терма жамоамиз икки ўйинда ғалаба қозониб, очколари сонини олтитага етказиб, ўз гуруҳида иккинчи поғонага кўтарилди. Агар карвонбошилик қилаётган Яман футболчилари тўрт ўйинда еттита очко тўплаганликларини эътиборда тутадиган бўлсак, юртдошларимиз мавқеи ўйиндан-ўйинга ортиб боришига ишонч билдириш мумкин. Муҳими, терма жамоада тажрибали ва ёш — ўйинга чанқоқ ўйинчилар баҳамжиҳат ҳаракат қила олишлиги кузга яққол ташланмоқда. Интизомий жазо сабабли маълум муддат ўйинлардан четлаштирилган С. Федоровнинг майдонга қайтганлиги, Лебедевнинг кучли зарблари, Қурбонов ва Назаровларнинг алдамчи ҳаракатлари тобора сайқал топиб бораётганлиги терма жамоада олдинга қўйилган мақсадга эришиш имкони етарли эканлигини кўрсатмоқда.

Олдинда яна қатор учрашувлар. Ўйлаймизки, улар ҳам мухлисларга олам-олам қувонч олиб келади.

Муштарий бонг уради

ШИФОБАХШ СУВ УВОЛ ЭМАСМИ?

Косон туманидаги Хўжақудуқ ҳудудида шифобахш сув бор. Чамаси 38—40 даражали ҳароратда кон қидирувчилар томонидан қувур ташланиб, атрофи бетон қилинган. Сувнинг шифобахшлиги нимада? «Турон» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Б. Усмонов шундай дейди:

— Табиатнинг бу инъомидан аҳоли баҳраманд бўлаётганига қарийб 30 йил бўлаяпти. Тиббиёт ходимлари лабораторияларда текшириб кўришиб жигар, буйрак ва турли хил аллергик хасталикларга чалинган беморларга шифо эканлиги хусусида фикр билдиришдию, аммо амалда ундан оқилона фойдаланиш юзасидан бирор чора-тадбирлар кўрилмади.

Шифо истаб келувчилар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Вилоятдаги «Қашқадарё соҳили» санаторийси ундан ичимлик суви сифатида фойдаланмоқда. Баъзи тадбиркорлар «Хўжақудуқ» номи билан шишаларга ёрлиқ ёпиштириб, савдо дўконларида пуллашмоқда. Айни вақтда сув эътиборсизлик оқибатида беҳудага оқиб кетаётир.

Ён-атрофи кулга айланган. Кимнингдир ташаббуси билан алмисоқдан қолган бир дона ванна қўйилган. Аммо ванна атрофига қараб бўлмайди. Баъзи механизатор ва ҳайдовчилар ўзлари бошқараётган трактор ва машиналарни шу ерда ювишмоқда.

Баъзиларнинг айтишича «Узбекнефтгазгеология» бирлашмаси раҳбарияти бу ерда санаторий қуришни зиммасига олган, хўжалик эса шу мақсадда 50 гектар ер ажратган. Бироқ қурилишдан ҳамон дарак йўқ. Ажратилган ер ҳайдалиб, унга турли хил экинлар экилмоқда. Шифобахш сув эса беҳудага оқиб ётибди. Сувнинг исрофи, уволи кимнинг бўйнида?!

Ҳашар йули билан бўлса ҳам шифо маскани барпо этиш мумкин-ку! Шояд, бу ишга Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши раҳбарлари аралашиб қолишса...

Ахрор САМАРИДДИНОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАБАРЛАРИ

Амударё тумани Манғит шаҳрида теннис корти фойдаланишга топширилди. Янги ўйингоҳни 390-кўчма механизациялашган жамланма жамоаси қисқа муддатда қуриб берди. Эндиликда амударёлик «кичик тўп» мухлислари ўз майдонида теннис мусобақалари ўтказиш имконига эга бўлди.

***

Оролбўйи худудида Қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакилларидан бири — Бердақ Қарғабой ўғли тавалдининг 170 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Н. Давқароев номидаги тил ва адабиёт институтида Бердақ ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари «Бердақ— қорақалпоқ халқининг тарихчиси», «Қорақалпоқ адабиётида шоир образи» каби мавзулардаги маърузаларни тингладилар.

(ЎзА)

ТИЛСИМОТГА ТЎЛА ТАБИАТ

ОЛАКЎЗАН

Узбекистоннинг «Қизил китоби» йиғирманчи саҳифасида ушбу ҳайвон ҳақида: «Ноёб, камсонли тур, қонун орқали муҳофаза қилинади» дейилган.

Савол туғилади: нима учун олакўзанлар камайиб кетди? Экологларнинг таъкидлашича, бунинг сабаби кўп. Суратдаги манзарага қаранг. Сариқ юмронқозиқ учун қўйилган қопқонга олакўзан тушиб қолибди. Бу бежиз эмас. Олакўзан юмронқозиқнинг ини-га кириб унинг овқатларини ейишни ёқтиради. Шу ернинг ўзида ҳордиқ чиқаргач, бошқа инни қидириб кетади. Албатта, юмронқозиқлардан ташқари олакўзан сичқонларни, калтакесакларни, илонларни, турли ҳашаротларни ҳам овлайди. Шу боис бу ҳайвонни фойдали дейиш ўринлидир. Бундан ташқари хушбуй моддалар тарқатадиган ҳидни сақлашга қодир қимматли мушкка эга бўлиб, бу парфюмерия саноатида жуда қимматли хом ашёдир.

Олакўзаннинг гавда тузилишига келадиган бўлсак, у сариқ сассиқкўзанга жуда ўхшаб кетади, лекин ранги бошқача тусладир. Олакўзаннинг айниқса тумшуғи чиройли. Шундай таассурот уйғонадики, ғуё у бошини оқ лента билан тангиб олгандек. Айни мана шу оқ ҳошия учун уни олакўзан дейишади. Қопқора кўзлари анор доналарига ўхшайди. Тумшуғи оппоқ, яғрини оқ-сариқ тангачалар билан қопланган. Қора оёқлари этикчалардек, думи жуда чиройли, сиёҳранг-тилларанг қуринишда товланиб туради. Олакўзанни бир марта кўрган одам бир умрга эслаб қолиши шубҳасиз.

Олакўзан жуда қизиқувчан ва ишонувчан. Айнан шу хислати учун кўп азият чекади. Уни ноқонуний йўқ қилаётган «овчилар» арзимаган 2 минг сўмлик жарима билан қутилиб кетишмоқда. Ҳолбуки бу ҳайвоннинг баҳоси йўқдир.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи «Қизил китоби»га йўқолиб кетиш арафасида турган сут эмизувчиларнинг 230 тури киритилган. Бу ҳайвонлар сони камаядиган бўлса кейинчалик тиклашнинг имкони йўқ. Бу фожеа эканини, афсуски, ҳамма тушунавермайди. Олакўзан Болгария, Руминиядан тортиб Мўғилистон ва Шимолий Хитойгача бўлган ҳудудда учрайди. Унинг сони жуда камайиб кетганлиги учун табиатни муҳофаза қилиш Халқаро иттифоқи бутун жаҳон бўйлаб олакўзанни сақлаб қолишнинг ягона режасини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблайди. Узбекистон Республикасида бу масалалар билан табиатни муҳофаза қилиш муассасалари, шу жумладан Тошкент аграр дорилфунуни табиатни муҳофаза қилиш кафедраси ҳам шуғулланади.

Узбекистонда олакўзан Уст Юрт, Қизилқумда, Амударё ва Сирдарё оралиғида, Қарши, Жиззах чўлларида, Сурхондарё водийсида учрайди. Туркистон ва Нурота тизмалари этакларида деярли йўқолиб кетди. Унинг одатий ҳаёти ўрганилган. Қўпайиши ҳақида деярли маълумотлар йўқ. Фаслларга қараб овқатланиши, фаоллиги, тўқнуқликда қандай яшаши номаълум. Бунинг ҳаммаси сувсарсимонларни ўрганувчи табиатшуносларни ташвишлантирмоқда.

Бугунги кунда олакўзан ва бошқа ноёб ҳайвонларни муҳофаза қилиш юзасидан ташвиқот ишларини олиб бориш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

А. ЛЕСНЯК,
табиатшунос.
Муаллиф олган сурат.

ТУРФА ОЛАМ

Лондон шаҳридаги касалхоналардан бирида ғаройиб «хизматчи» пайдо бўлди. У барча топшириқларни «виждонан» бажаради ва бошлиқнинг гапини ҳеч қачон икки қилмайди, устига устак суткасига 24 соат тиним билмай ишлайди. У ҳатто маош ҳам талаб қилмайди. Бу дастёр Живс номли роботдир. Роботларнинг янги авлодидан бўлмиш Живс электр батареядан озиқланади.

У касалхонада ҳамшира бажариши лозим бўлган ҳамма юмушнинг уддасидан чиқади. Робот хотирасига касалхонанинг бутун чизмаси ёзилган бўлиб, у бутун бино бўйлаб беҳато ҳаракат қилади. Живснинг бир соатлик меҳнати атиги 2 фунт стерлингга тушар экан. Бу касалхона маъмуриятига анчагина маблағни иқтисод қилишда қўл келмоқда.

***

Қўк чойнинг инсон организми учун фойдали жиҳати ҳақида жуда кўп ёзилган. Яқинда гонконглик олимлар кўк чойнинг яна бир янги хислатини аниқладилар. Уларнинг аниқлашича, кўк чой қон таркибидаги холестрол миқдорини камайтиришга хизмат қилар экан. Маълумки, айрим ҳолларда холестрол моддаси юрак қон томирлари касаллигини келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Гонконг университети мутахассислари чой баргидан фаол ингредиент моддасини ажратиб олдилар. Бу ҳар қандай доридан ҳам кўра фойдалироқ экан.

***

Англиянинг Бристол шаҳри касалхоналаридан бирида олимлар инсон танасидаги қўйган жойлар ва чандиқларни даволашнинг янги усулини топишди. Ушбу усулнинг технологияси шундан иборатки, тананинг жароҳатланган жойига таркибида махсус крем моддаси бўлган сунъий тери ёпиштирилади. Натижада теридаги жароҳат бир неча соат ичида ўз ҳолига қайтади. Олимларнинг таъкидлашича, бу янгилик тиббиёт соҳасидаги оламшумул воқеадир.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат—ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0285, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.